

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги  
(JICA)



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ  
БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ БЎЙИЧА  
ҚЎЛЛАНМА

«Baktria press»

Тошкент-2014 й.

УЎК 346.26(575.1)  
КБК 67.404(5Ў)  
Ж 96

**Жўраев Н. С.**

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича қўлланма/Н. С. Жўраев. — Тошкент: Baktira press, 2014й. 144 б.

Ушбу китобга ўз хиссасини қўшган муаллифлар:

**Саидахметова Нилуфар Зокиржоновна**

**Шахназарян Регина Левоновна**

**Рахмонов Бобур Абдуқамолович**

**Исмаилов Озод Матлабович**

Қўлланма тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва уларга янада қулай шароит яратишга қаратилган, қўлланмада рухсат бериш тартиб-таомилнинг асосий принциплари, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тушунчалари, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг амал қилиши тадбиқ этилмайдиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг турлари очиқ берилди.

Қўлланмада шунингдек, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби, тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни беришни рад этиш муддати ва тартиби, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериш ва уни қайта расмийлатириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уларни бекор қилиш тартиби назарда тутилган.

**КБК 67.404(5Ў)**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA) билан биргаликдаги “Хусусий сектор фаолиятини ривожлантириш учун маъмурий тартиб-қоидаларни такомиллаштириш” лойиҳаси доирасида чоп этилган. Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки JICAnинг расмий позициясини билдирмайди. Китобнинг мазмунига муаллифлар жавобгардирлар.

**Ушбу нашр бепул тарқатиш учун мўлжалланган.**

The present publication was made under framework of Follow Up cooperation on the joint Technical Assistance project between the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan and Japan International Cooperation Agency (JICA) “Improvement of Administrative Procedures for the Development of Private Sector Activities” with the financial and methodological support of JICA.

**The publication is intended for free distribution.**

**“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича қўлланма”.**



ISBN 978-9943-4280-6-5

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2014

© Япония Халқаро Ҳамкорлик Агентлиги (JICA), 2014

© Baktira press, 2014

## **Қўлланма муаллифлари ҳақида**

### **Жўраев Нодиржон Савриддинович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи ҳисобланади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

### **Саидахметова Нилуфар Зокиржоновна**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади, банк ва шаҳарсозлик қонунчилиги соҳасида, шу жумладан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби билан боғлиқ соҳада катта тажрибага эга. 12 ва 13-боблар муаллифи.

### **Шахназарян Регина Левоновна**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бўлим бошлиғи ҳисобланади, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этган ҳамда тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади. 3, 5–9 ва 14-боблар муаллифи.

### **Рахмонов Бобур Абдукамолович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бош маслаҳатчиси ҳисобланади, банк соҳасида, транспорт, архитектура ва қурилиш соҳаларида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этади. 10 ва 11-боблар муаллифи.

### **Исмаилов Озод Матлабович**

Халқаро ҳуқуқ, халқаро тижорат ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи, халқаро тижорат арбитражи ва ҳўжалик ҳуқуқи соҳаси бўйича ёш мутахассис, Кюсю Университети (Япония) ҳуқуқ магистри дипломи соҳиби, инглиз ва япон тилида эркин тарзда гаплашади, Ўзбекистонда ва Японияда турли илмий-амалий конференцияларда иштирок этган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси ҳисобланади. 1, 2 ва 4-боблар муаллифи.

## МУНДАРИЖА

### КИРИШ..... 10

### **1-БОБ. “ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИНГ МАҚСАДИ ВА АҲАМИЯТИ.....11**

- 1.1. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишининг мақсади ва аҳамияти. .... 11
- 1.2. Ортиқча рухсат бериш тартиб-таомилларининг қисқартирилиши. . . 13
- 1.3. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг тасдиқланиши..... 13

### **2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ ВА РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТ ТУШУНЧАСИ ..... 14**

- 2.1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили тушунчаси ..... 14
- 2.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат тушунчаси ..... 14
- 2.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тадбиркорлик субъектларига бериш ..... 14

### **3-БОБ. ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТАТБИҚ ЭТИЛМАЙДИГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ..... 17**

- 3.1. Қонуннинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг турлари. .... 17
- 3.2. Тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга кўйиш ..... 17
- 3.3. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш..... 19
- 3.4. Аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш..... 22
- 3.5. Давлат экологик экспертизаси..... 22
- 3.6. Давлат сирлари муомаласи..... 23

### **4-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ..... 24**

- 4.1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгилаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этишни тақиқлаш. .... 24

<b>5-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ. ....</b>	<b>26</b>
5.1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари. ....	26
5.2. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши. ....	26
5.3. Рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги. ....	27
5.4. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошқоралиғи, очиклиғи ва тушунарлиғи. ....	27
5.5. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши. ....	28
5.6. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиғи. ....	31
5.7. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиғи. ....	32
<b>6-БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРНИНГ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИГА ДОИР ВАКОЛАТЛАРИ .....</b>	<b>33</b>
6.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари. ....	33
6.2. Ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари. ....	34
<b>7-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ. ....</b>	<b>36</b>
7.1. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. ....	36
7.2. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг мазмуни. ....	36
7.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг содалаштирилган тартибини белгилаши. ....	49
<b>8-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ ОЛИШ УЧУН АРИЗА ВА БОШҚА ЗАРУР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ .....</b>	<b>51</b>

8.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхати . . . . .	51
8.2. Тадбиркорлик субъектидан Қонуннинг 14-моддасида ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмаслиги . . . . .	55
8.3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органларга ҳужжатларни тақдим қилиш . . . . .	56
8.4. Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ваколатли орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилишнинг тартиби. . .	57

**9-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТНИНГ РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, УНИ БЕРИШ ЁКИ РАД ЭТИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛИ . . . . . 58**

9.1. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки рад этиш муддати . . . . .	58
9.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини ўттиз иш кунидан ортиқ қилиб белгилаши . . . . .	61
9.3. Тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларни ўтказиш . . . . .	71
9.4. Ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаганда, тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш. . . . .	71
9.5. Ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослар . . . . .	72
9.6. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномани тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда юбориш (жўнатиш) . . . . .	75
9.7. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган камчиликларни тадбиркорлик субъектлари томонидан бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш . . . . .	77

9.8. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш . . . . .	78
9.9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартиби . . . . .	78

**10-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ . . . . . 79**

10.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмаслиги. . . . .	79
10.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишига маълум муддат белгилаш . . . . .	79
10.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, унинг амал қилиш муддатини узайтириш . . . . .	80
10.4. Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуқ . . . . .	83

**11-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ҲОЛЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚҚАНЛИК УЧУН, РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ БЕРГАНЛИК ЁКИ УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРГАНЛИК УЧУН ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ . . . . . 84**

11.1. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим . . . . .	84
11.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим миқдори . . . . .	85
11.3. Тегишли йиғим суммаларининг ваколатли органларнинг ҳисобварағига ўтказилиши . . . . .	86
11.4. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида тақдим этган аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмаслиги . . . . .	86
11.5. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги айрим низомларда тегишли йиғимларни тўлаш зарурияти мавжуд эмаслиги . . . . .	87

**12-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИНГ  
ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ  
ТАРТИБ-ТАОМИЛИ . . . . . 88**

12.1. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат йўқолган ёки яроқсиз  
холга келган тақдирда, уни дубликатини бериш . . . . . 88

12.2. Рухсат этиш хусусиятига хужжатнинг дубликатини  
бериш учун йиғим. . . . . 88

12.3. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни қайта  
расмийлаштириш. . . . . 89

12.4. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта  
расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириш муддати. . . . . 95

12.5. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органга  
хужжатларни тақдим қилиниши. . . . . 96

12.6. Ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга  
хужжатни қайта расмийлаштириш ва уни бериш муддати. . . . . 96

12.7. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта  
расмийлаштириш учун йиғим. . . . . 97

12.8. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни қайта  
расмийлаштириш талабларини бузганлик учун жавобгарлик. . . . . 97

12.9. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қайта  
расмийлаштирилганда, берилган рухсат этиш хусусиятига эга  
хужжатлар реестрига тегишли ўзгартишлар киритиш. . . . . 98

**13-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИНГ  
АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТУГАТИШ ВА УНИ  
БЕКОР ҚИЛИШ. . . . . 99**

13.1. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини  
тўхтатиб туриш асослари. . . . . 99

13.2. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш  
суд тартибида амалга оширилиши, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар  
хамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг  
олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган  
муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно. . . . . 101

13.3. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш  
тўғрисидаги қарорнинг мазмуни ва шаклига қўйилган талаблар. . . . . 103

13.4. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб  
туриш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектига етказиш муддати. . . . . 104

13.5. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб  
туриш оқибатлари. . . . . 105

13.6. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб  
турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти  
томонидан баргараф қилиниши муддатини белгилаш . . . . . 105



13.7. Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш. . . . .	107
13.8. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб турилишини суд томонидан асосиз деб топиш. . . . .	107
13.9. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш асослари. . . . .	108
13.10. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг объектив ва субъектив асослари. . . . .	115
13.11. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектига етказиш муддати . . . . .	116
13.12. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорнинг шакли ва мазмунига нисбатан кўйилган талаблар. . . . .	116
13.13. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш асослари. . . . .	117
13.14. Тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш. . . . .	117
13.15. Тадбиркорлик субъектлари учун ноқулай оқибатлар олиб келувчи қарорлар чиқаргунга қадар бўлган расмий эшитишлар бўйича хориж тажрибаси . . . . .	117

**14-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК. . . . .119**

14.1. Тадбиркорлик субъектининг шикоят қилиш ҳуқуқи . . . . .	119
14.2. Рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик . . . . .	121

**ИЛОВА . . . . . 123**

1-Илова. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни. . . . .	123
2-Илова. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори. . . . .	137

**ФЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ. . . . . 140**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсадида 2012 йил 20 декабрда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллариغا доир муносабатларни тартибга соладиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Қонун билан рухсат бериш тартиб-таомилининг асосий принциплари мустаҳкамланган, улар орасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципларини ажратиб кўрсатиш керак. Ундан ташқари, Қонун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, уларни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги тадбиркорлик субъектининг аризасини кўриб чиқиш муддатлари каби тартиб-таомилларни белгилайди.

Қонуннинг муҳим нормаларидан бири рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланишини белгиловчи норма ҳисобланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг тасдиқланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу Рўйхатда тадбиркорлик субъектларига маълум бир фаолиятни амалга ошириш ва (ёки) содир этиш учун зарур бўлган 220 та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат (тартиб-таомил) назарда тутилган.

Қонунга мувофиқ барча рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ушбу қўлланма тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ва уларга янада қулай шароит яратишга қаратилган.

Қўлланмада рухсат бериш тартиб-таомилининг асосий принциплари, рухсат бериш тартиб таомили ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тушунчалари, Қонуннинг амал қилиши тадбиқ этилмайдиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг турлари очиқ берилди.

Қўлланма шунингдек, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун ариза ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби, тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни беришни рад этиш муддати ва тартиби, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериш ва уни қайта расмийлатириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уларни бекор қилиш тартиби назарда тутилган.

Ушбу қўлланмада, тушунарли бўлиши учун, турли хил схемалардан фойдаланилган.

# **1-БОБ. “ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИНГ МАҚСАДИ ВА АҲАМИЯТИ**

## **1.1. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишининг мақсади ва аҳамияти**

2012 йил 20 декабрда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) қабул қилинди (*ушбу қўлланмага 1-илова*). Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ушбу Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган эди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади деб кўрсатилган.

Ушбу қонун лойиҳаси рухсат бериш тизимининг асосий тамойиллари ва қондаларини мустаҳкамловчи базавий ҳужжат бўлади. Қонуннинг асосий мақсадлари сифатида қуйидагилар саналади:

- 1) рухсат бериш тизимининг ягона норматив-ҳуқуқий базаси яратиш;
- 2) ваколатли давлат органларида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш шартлари ва тартибларини бир хиллаштириш;
- 3) тадбиркорлик фаолият соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- 4) тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш;
- 5) қонунда назарда тутилмаган ортикча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин таққиб белгиланиши, мансаб суиистеъмолчилиги учун имкониятларни камайтириш.

29 та моддадан таркиб топган Қонун нормалари, тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланиши ва тадбиркорлар фаолиятига кенг эркинликлар учун бериш ҳуқуқий рағбатлантиришлар яратди.

Қонунда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг асосий элементлари акс эттирилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси сезиларли даражада такомиллаштирилишига, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига, шунингдек рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва бутунлигини таъминлашга олиб келади.

Қонун қабул қилингандан кейин барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар унга мувофиқлаштирилиши лозим. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган, деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши керак, деб белгиланган.

Қонунни тайёрлаш жараёнида рухсат бериш тартиб-таомиллари бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилганда, рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш бўйича ҳар хил механизмлар қўлланилиши аниқланди. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти мамлакатларида “бир дарча” тамойилидан кенг равишда фойдаланилади. Масалан, Францияда бизнес-расмиятчиликлар бўйича Марказлар тармоғи мавжуд, ушбу марказлар рухсатномалар бериш бўйича давлат органлари томонидан ўрнатилган талаблар юзасидан маълумотлар тақдим этишади. Маълумотлар Марказлар томонидан Тижорат ва саноат палатаси, Савдо палатаси ва Аграр палатасининг бўлимларида тақдим этилади. Марказларга вазирлик ва идоралардан ҳужжатларда берилган барча зарур талабларни бирлаштириш ваколати берилган. Соддалаштириш механизмлари кенг равишда рухсат бериш тартиб-таомилларининг бекор қилиш, соддалаштириш ёки ўхшаш тартиб-таомиллар билан бирлаштириш, шунингдек, янги рухсатномаларни киритишнинг аниқ мезонларини ўрнатиш йўллари билан татбиқ қилинмоқда. Хусусан, Нидерландияда рухсатномаларни жорий қилишнинг умумий принциплари қуйдагилардан иборат: дастлабки рухсатномалар жорий қилишни назарда тутувчи умумий қоидалар асосида фаолиятни назорат қилиш; амалга оширилаётган фаолият бўйича ҳисобот олиш, рухсат олиш мажбурияти татбиқ этишдан афзалроқдир. Шунингдек, ислохотлар олиб борилаётган мамлакатларда рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни ўз вақтида бериш муддатларига риоя қилишнинг назорат механизмларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада амалий механизмлардан бири бу — “сукут — розилик белгиси” принципи. “Сукут — розилик белгиси” принципи Испаниянинг “Маъмурий тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган. Ушбу принцип Италиянинг “Маъмурий тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунида ҳам белгиланган. Унга кўра, давлат органи рухсатнома олмоқчи бўлган тадбиркорнинг талабига жавоб бериш мажбур бўлган муддат билан чегараланган. Агар, 30 кун мобайнида ҳужжатни беришни рад этилганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома берилмаса, аризачи ўзи мурожаат қилган ҳаракат ёки фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

## **1.2. Ортикча рухсат бериш тартиб-таомилларининг қисқартирилиши**

Таъкидлаш жоизки, рухсат бериш тартиб-таомиллари ва тадбиркорлик субъектлари учун ортикча бюрократик тўсиқларни қисқартириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишлар Қонун қабул қилингунга қадар бошланган эди. Жумладан, фақат 2011–2012 йиллар давомидагина **145** та рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди, бу эса, тадбиркорлик субъектлари учун ўз фаолиятини амалга оширишда зарур шарт-шароитларни яратиш борасида муҳим қадам бўлди.

Бир-бирини тақорлайдиган ёки давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа механизмлари билан етарли даражада тартибга солинган ёхуд эскирган ва замонавий талабларга жавоб бермайдиган рухсатномаларни қисқартириш заруратини инобатга олган ҳолда, Президентимизнинг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2011 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Хукуматнинг тегишли қарорлари билан белгиланган **50** та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиши бекор бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2011 йилнинг 1 ноябридан бошлаб қўшимча равишда **15** та рухсат бериш тартиб-таомилларининг амал қилиши бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида 2012 йил 1 августидан эътиборан **80** та рухсат бериш тартиб-таомиллари бекор қилинди, бу эса, бундай таомиллар умумий сонининг **26** фоизини ташкил қилади.

## **1.3. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг тасдиқланиши**

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг тасдиқланишини таъкидлаш лозим (*ушбу қўлланмага 2-илова*). Ушбу Рўйхатда тадбиркорлик субъектларига ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган **220** та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат(тартиб-таомил)лар назарда тутилган. Бунда ҳар бир рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиби, Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ тасдиқланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи тегишли низомлар билан тартибга солинади.

## **2-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ ВА РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТ ТУШУНЧАСИ**

### **2.1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили тушунчаси**

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризанинг топширилиши ва кўриб чиқилиши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг берилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши, тугатилиши, қайта расмийлаштирилиши ва бекор қилиниши жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуини билдиради.

Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатлар ва (ёки) фаолият жумласига тадбиркорлик субъектларининг бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган, тартибга солиниши рухсат бериш тартиб-таомилларидан ташқари бошқа усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмайдиган ҳаракатлари ва (ёки) фаолияти киритилиши мумкин.

### **2.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат тушунчаси**

Қонуннинг мазкур моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат тушунчаси ҳам белгиланган. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат деб ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва тадбиркорлик субъектига бериладиган, тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифодаланадиган қарор саналади.

### **2.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тадбиркорлик субъектларига бериш**

Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам берилиши кўзда тутилган.

Маълум бир тадбиркорлик фаолияти турларини амалга ошириш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган

манфаатларига зарар етказиш имконияти билан боғлиқ бўлиб, мазкур фаолият турларини юридик шахс ташкил этмасдан жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти) томонидан амалган оширилиши юқорида таъкидланган зарарларни етказиш хавфини оғохлантиришни таъминлашни имконсиз қилиши мумкин. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати* тасдиқланди.

Ушбу рўйхат 75та фаолият турини ўз ичига қамраб олади. Шунингдек, ушбу рўйхат қатъий эмас. Рўйхатни тасдиқлаш ҳақидаги қарорнинг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси, хусусий тадбиркорлар фаолиятининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, зарур ҳолларда Вазирлар Маҳкамасига мазкур қарор билан тасдиқланган Рўйхатни кенгайтириш ёки ундан фаолият турларини чиқариб ташлаш бўйича таклифлар киритиш топширилган.

Ушбу Рўйхат мавжуд бўлганлиги учун тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти) га мазкур Рўйхатда белгиланган фаолиятларни амалга ошириш ва (ёки) ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати тасдиқланди ва ушбу Рўйхатда 220 та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат(тартиб-таомил)лар назарда тутилган.

Масалан, мазкур Рўйхатнинг 23-бандида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат сифатида алкоғолли маҳсулотларни чакана савдосини амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат берувчи гувоҳнома назарда тутилган. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарори билан тасдиқланган Алкоғол маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидаларининг 2-бандига* мувофиқ алкоғолли маҳсулотларнинг чакана савдоси билан фақат алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олган юридик шахслар шугулланишлари мумкин. Демак, ушбу гувоҳномани бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳам уни фақат юридик шахсларга бериш имконини назарда тутади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатида белгиланган кўпчилик рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига ҳам берилиши мумкин. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган *Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг*

*ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом ва Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги низом нормаларини анализ қилиш* Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 128-бандида назарда тутилган ёввойи ҳайвонларни тутишга рухсатномаларни, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам олиш ҳуқуқига эга, деб ҳулоса қилишга йўл қўяди.



### **3-БОБ. ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТАТБИҚ ЭТИЛМАЙДИГАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

#### **3.1. Қонуннинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг турлари**

Қонуннинг мақсади тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 2-моддасида Қонуннинг амал қилиши татбиқ этилмайдиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг турлари назарда тутилган. Ушбу Қонуннинг амал қилиши тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг қуйидаги турларига нисбатан татбиқ этилмайди:

- 1) тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш;
- 2) фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш;
- 3) аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;
- 4) давлат экологик экспертизаси;
- 5) давлат сирлари муомаласи.

Бу юқоридаги рухсат бериш тартиб-таомиллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, хатто ҳозирги кунда батафсил алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

#### **3.2. Тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом билан ўрнатилган. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг умумий қоидалари бевосита Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 84-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у

ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ҳуқуқ эгасининг илтимосига кўра амалга оширилган рўйхатдан ўтказишни рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқ ёки битим тўғрисида ҳужжат бериш ёхуд рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқлаши шарт.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузиладиган битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқлар ҳақидаги ахборотни ҳар қандай шахсга бериши шарт. Ахборот, рўйхатдан ўтказиш қаерда амалга оширилганидан қатъи назар, кўчмас мол-мулкни рўйхатдан ўтказувчи ҳар қандай орган томонидан берилади.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ёки у ҳақда тузилган битимни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд рўйхатдан ўтказиш муддатларининг бузилиши устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтказишни рад этиш асослари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Фуқаролик кодексининг 111-моддасига мувофиқ ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ битимлар (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара, меросни қабул қилиб олиш ва бошқалар) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Кўчмас мол-мулк хусусида тузилган битимларни рўйхатдан ўтказиш ва тегишли реестрларни юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

“Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасида ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва уларга доир битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига тегишли ёзув киритиш орқали амалга оширилади, деб белгиланган. Шартнома асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ипотека тўғрисидаги шартнома асос бўлади. Қонун асосидаги ипотеканинг вужудга келишига сабаб бўлувчи кредит шартномаси ёки қарз шартномаси қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади. Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида ариза берилмаган ва рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўланмаган ҳолда амалга оширилади.

Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қайси шахснинг ҳуқуқларига ипотека юкланган бўлса, шу шахснинг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилади. Қонун асосидаги ипотека бўйича ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланиши мумкин. Бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ипотека тўғрисидаги қайд ёзуви амалга оширилган кун ипотека давлат рўйхатидан ўтказилган сана ҳисобланади.

Ипотека билан таъминланган мажбурият мазмуни навбатдаги ипотека билан ўзгартирилганда, шунингдек ипотека нарчасига бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар бу мол-мулкни ҳақ эвазига ёхуд ҳақ олмасдан

тасарруфдан чиқарилиши натижасида ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ипотекага қўювчидан бошқа шахсга ўтказилганида, ипотека қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилади. Мазкур талабнинг бажарилмаслиги ипотека билан таъминланган мажбуриятда амалга оширилган ўзгаришлар ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Ипотека билан таъминланган мажбурият қарздор томонидан бажарилганида, ипотекага олувчи ипотекага қўювчининг талабига кўра рўйхатдан ўтказувчи органга бинолар (иншоотлар) гарови давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Ипотекага олувчи томонидан мазкур талаб бажарилмаган тақдирда, ипотекага қўювчи ундан бу мажбурият бажарилмаганлиги туфайли ўзига етказилган зарарларнинг ўрни тўла ҳажмда қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ҳар қандай шахс рўйхатдан ўтказувчи органда тегишли мол-мулк ипотекаси тўғрисида қайд ёзуви борлиги ёки йўқлиги ҳақида маълумот ҳамда ипотека тўғрисидаги қайд ёзувидан тасдиқланган кўчирма олишга ҳақли.

### **3.3. Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш**

Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 5-моддасига кўра, лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколати жумласига киради, фақат қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги Қарори билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатга қуйидаги фаолият турлари киради:

– қурол-яроғ ва унинг ўқ-дориларини, химояланиш воситаларини, ҳарбий техникани, уларнинг эҳтиёт қисмлари, бутловчи қисмлари ва приборларини, агар улардан бошқа тармоқларда фойдаланилмаса, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материалларни ва махсус асбоб-ускунани ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;

– портловчи ва захарли моддаларни, уларни кўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек портлатиш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш;

– бўшаётган ҳарбий-техника воситаларини тугатиш (йўқ қилиб ташлаш, утилизация қилиш, кўмиб ташлаш) ва қайта ишлаш;

– ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек совуқ қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш;

- ёнгинга қарши автоматика воситаларини, кўриқлаш, ёнгиндан дарак берувчи ва ёнгиндан сақлаш сигнализацияларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- ионлаштирувчи нуруланиш манбалари муомаласи соҳасидаги фаолият;
- ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш;
- магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиб ташлаш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш, шунингдек таркибида гиёҳванд моддалари бўлган ўсимликларни етиштириш;
- ветеринария фаолияти;
- тиббий фаолият;
- фармацевтика фаолияти;
- кўприклар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш;
- хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавfli ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш;
- архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш;
- баландликларда саноат альпинизми усуллари орқали таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш;
- маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш;
- аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти;
- автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш;
- телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш;
- телекоммуникациялар тармоқларини қуриш;
- телекоммуникациялар тармоқларидан фойдаланиш;
- телекоммуникациялар тармоқларига хизмат кўрсатиш;
- нефть, газ ва газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш;
- қимматбаҳо ва нодир металлларни, қимматбаҳо тошларни қазиб олиш;

– нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилгиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мойлар ва мойлаш материалларини) реализация қилиш, бундан заводда идишларга қадокланганлари мустасно;

- этил спирти ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқариш;
- банк фаолияти;
- банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида операциялар ўтказиш;
- қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш;
- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият;
- баҳолаш фаолияти;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти;
- аудиторлик фаолияти;
- ломбардлар фаолияти;
- лотереялар ташкил этиш;
- адвокатлик фаолияти;
- божхона омборини таъсис этиш;
- божсиз савдо дўконини таъсис этиш;
- божхона режимида омборхона таъсис этиш — “эркин омборхона”;
- геодезия ва картография фаолияти;
- ноширлик фаолияти;
- нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти;
- диний таълим муассасаларининг фаолияти;
- аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш;
- аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;
- фонограммаларни тайёрлаш;
- Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш;
- тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш;
- биржа фаолияти;
- туризм фаолияти;
- улгуржи савдо;
- тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- микрокредит ташкилотлари фаолияти;
- пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш;
- риэлторлик фаолияти;
- кредит бюрolari фаолияти.

Ўзбекистон Рекспубликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир фаолият тури бўйича уни лицензиялаш тартиби тасдиқланган. Ўзбекистон

Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори билан Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати тасдиқланган.

#### **3.4. Аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш**

Аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги муносабатлар “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Метрология тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати тасдиқланган.

#### **3.5. Давлат экологик экспертизаси**

Давлат экологик экспертиза соҳасидаги муносабатлар “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Экологик экспертиза қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларида бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек экологик аудит тарзида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом

ва Давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхати тасдиқланган.

### **3.6. Давлат сирлари муомаласи**

Давлат сирлари муомаласи соҳасидаги муносабатлар “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонунга мувофиқ давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади. Давлат сирлари Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

## **4-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ**

### **41. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгилаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этишни тақиқлаш**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес муҳитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат, солиқ ва назорат идоралари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаш, шунингдек очиқлиги таъминланмаган кўплаб рухсат бериш тартиб-таомилларини бекор қилиш мақсадида рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этишни тақиқлаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгиланади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг муҳим вазибалари деб белгилади:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш;



тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтирилайдиган узок муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чекловчи бюрократик тўсиқларни бартараф этишни давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 283-сон қарори билан давлат бошқаруви органларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилмаган умуммажбурий тусдаги ҳужжатлари бекор қилинишини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботлари белгиланганлиги аниқланганда кўрсатиб ўтилган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларини белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги рухсат бериш тартиб-таомилларининг фақат қонун билан жорий қилиш биринчи навбатда тадбиркорларнинг фаоллигини оширишга ва янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга хизмат қилади.

## **5-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

### **5.1. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари**

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари бўлиб куйидагилар саналади:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши;

рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги;

рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошқоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги;

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги.

Қонуннинг 6–11-моддаларида Қонуннинг 5-моддасида келтирилган принципларнинг мазмунинга изоҳ берилади.

### **5.2. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши**

Қонуннинг 6-моддасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши принципига изоҳ берилган. Ушбу моддага мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишини, жамоат хавфсизлигини ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши керак.

Мазкур принцип бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатлар ва (ёки) фаолият жумласига тадбиркорлик субъектларининг бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган, тартибга солиниши рухсат бериш тартиб-таомилларидан ташқари бошқа усуллар билан амалга

оширилиши мумкин бўлмайдиган ҳаракатлари ва (ёки) фаолияти киритилиши мумкинлигини кўзда тутувчи Қонуннинг 4-моддаси билан боғлиқ.

### **5.3. Рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги**

Қонуннинг 7-моддасида рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги принципи белгиланган. Демак, рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектлари ҳаракатларни бажарганда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширганда улар учун товарлар (ишлар, хизматлар) бозоридаги рақобатни чеклайдиган имтиёзлар ва афзалликлар белгиламаслиги керак. Бунда, товар ва молия бозорларидаги муносабатлар “Рақобат тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

### **5.4. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги**

Қонуннинг 8-моддасида рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги принципи белгиланган. Рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектлари учун ошкора, очиқ ва тушунарли бўлиши керак. Ушбу принципнинг моҳияти ваколатли органлар тадбиркорлик субъектларига рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида тўлиқ маълумот тақдим қилиш мажбурлигидадир. Ушбу маълумотлар ошкора, очиқ ва тушунарли бўлиши керак. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги принципи бевосита ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрини юритиш ва ўз веб-саҳифаларида чоп этиш билан амалга оширилади. Ушбу маълумотлар билан танишиш мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади, мажбурияти эмас.

Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатларига рухсат бериш тартиб-таомиллари масалалари юзасидан тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра бепул тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш; тадбиркорлик субъектлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратиш; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва тўлдиришда тадбиркорлик субъектларига ёрдам бериш; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш киради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарорига мувофиқ

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий веб-сайтга норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан кейин икки кундан кечикмай жойлаштирилиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-саҳифаси [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz), Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси — [www.davtarh.uz](http://www.davtarh.uz), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси — [www.uzgeolcom.uz](http://www.uzgeolcom.uz) ҳисобланади.

### **5.5. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши**

Қонуннинг 9-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши принципи белгиланган. Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

Хориж тажрибаси кўрсатганидек, “бир дарча” принципни жорий қилиш давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришда энг амалий воситалардан бири ҳисобланиб, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни яратишга имкон беради. Давлат хизматларини “бир дарча” принципи бўйича тақдим қилиш фуқаролар ва ташкилотлар талаб қилинган давлат хизматини ва якуний ҳужжатларни белгиланган муддатда, ушбу ҳужжатларни бериш ва келишиш бўйича қарор қилувчи мансабдор шахс билан бевосита муносабатда бўлмасдан олиши имконини берадиган давлат органининг ташкилий ишини ифодалайди.

“Бир дарча” принципни жорий қилишнинг асосий мақсади мавжуд маъмурий тўсиқларни бекор қилиш, бир неча давлат органлари томонидан айна функцияларни такрорланишига йўл қўймастик, жисмоний ва юридик шахсларни давлат хизматларини тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш, шунингдек давлат органлари билан жисмоний ва юридик шахслар муносабатининг оддий ва самарали тизимини ташкил қилиш ҳисобланади.


Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида “бир дарча” принципи бир қатор рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, хусусан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда кенг қўлланилади. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сон қарори* билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шу жумладан ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат этувчи ҳужжатларни бериш

“бир дарча” принципи бўйича амалга оширилади, бунда ваколатли давлат органларига уларни зарур ҳолларда келишишни таъминлаш вазифаси юклатилади.

Мазкур принципнинг моҳияти тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик субъекти битта давлат органида қанақадир рухсатнома олиш учун бошқа органлардан рухсат олиш ёки улар билан келишиш лозим, бунда дастлабки давлат органи мустақил равишда барча расмийлаштиришни амалга оширади.


Бугунги кунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат сифатида турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарор бериш “бир дарча” принципи бўйича амалга оширилади. Қуйида турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш схемаси келтирилган.


### Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш СХЕМАСИ



Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган принципнинг мазмуни ва моҳиятини янада тушунарли ифодалаш учун тегишли ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун ҳужжатларни бошқа ваколатли органлардан қандай тарзда қабул қилиб олишини рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни “бир дарча” принципи бўйича беришда давлат органларининг ҳамкорлиги бўйича намунавий схемада келтирамиз.

**Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни “бир дарча” принципи бўйича беришда давлат органларининг ҳамкорлиги бўйича намунавий схема**





## 5.6. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги

Қонуннинг 10-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги принципига изоҳ берилган. Ушбу моддага мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талаблар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан ягонадир.

Демак, муайян рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тартибига қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар турли хил бўлмаслиги лозим, масалан, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун мурожаат қилган тадбиркорлик субъекти ким эканлигига қараб.

Мурожаат қилувчи жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти эканлигига қараб улар тақдим қиладиган ҳужжатларига талаблар қонун ҳужжатларида турли хил белгиланган. Масалан, Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун, тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта

манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза; юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини тақдим қилади.

## 5.7. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги

Қонуннинг 11-моддасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи мустаҳкамланган. Тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади.

Ушбу принцип *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай шибилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4354-сон Фармони* билан жорий қилинган.

Мазкур Фармоннинг 2-бандида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади, яъни унга мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади, деб белгиланди. Мазкур қафолатнинг мавжудлиги барча тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжати берилган муайян фаолиятни амалга ошириш ва (ёки) ҳаракатни бажаришда қонун ҳужжатларига риоя қилишни таъминлашда қўшимча шарт-шароитларидан ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу принцип *Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида* мустаҳкамланган. Мазкур моддага асосан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.



## **6-БОБ. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАРНИНГ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИГА ДОИР ВАКОЛАТЛАРИ**

Қонуннинг 12 ва 13-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатлари тартибга солинган.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ ваколатли органларга қонун ҳужжатлари билан зиммасига тадбиркорлик субъектларига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш вазифаси юклатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар киради.

### **6.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатларига қуйидагилар киради:

ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрларини юритиш тартибини белгилайди;

рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонуннинг ушбу нормаларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати ва ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу Рўйхатда 220 та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат(тартиб-таомил)лар назарда тутилган. Мазкур рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонуннинг рухсат тартиб-таомилларини ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар мазмунини белгилловчи 16-моддаси талабларига мувофиқ ҳолда тасдиқланади.

*Мазкур Қўлланманинг 7-бобида юқорида кўрсатилган низомларнинг мазмуни тўғрисида батафсил маълумот берилган.*

Мисол тариқасида, Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 124-бандида назарда тутилган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги қарори билан тасдиқланган Сувдан

махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни келтириш мумкин.

Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига — юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартибини белгилайди. Мазкур Низомга мувофиқ Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестри ўзида берилган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган ҳужжатлар, шунингдек амал қилиши тўхтатиб турилган, тикланган ёки тугатилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлган барчанинг танишиши учун очик бўлган давлат реестри ифодалайди.

Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги асосий маълумотлар (тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони, тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортига оид маълумотлар, почта манзили, телефони);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган сана ва уларнинг тартиб рақами;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштиришнинг, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун), амал қилишни тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишни тўхтатиш учун асос ва сана;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг дубликатларини беришнинг асоси ва санаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган бошқа маълумотлар.

## **6.2. Ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари**

Ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари:

тадбиркорлик субъектларининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш,

тугатиш, қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тўғрисидаги аризаларини қабул қилади ҳамда кўриб чиқади;

ушбу Қонун талабларига ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ белгиланган муддатларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беради ёки уни беришни асосли равишда рад этади;

берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштиради;

рухсат бериш тартиб-таомиллари масалалари юзасидан тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра бепул тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради;

тадбиркорлик субъектлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш ва тўлдиришда тадбиркорлик субъектларига ёрдам беради;

тадбиркорлик субъектларини ва уларнинг аризаларини бутун иш қуни давомида қабул қилиш имкониятини берадиган иш вақти режимини таъминлайди;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштиради;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни “бир дарча” орқали беради;

Қонуннинг 22, 23 ва 25-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ҳамда уларни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ва (ёки) мазкур масалаларни суд тартибида кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқади.

Ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

*Ваколатли органларнинг ўз ваколат доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомиллари ҳақида мазкур қўлланманинг 8, 9, 12 ва 13-бобларида батафсил изоҳланган.*

## **7-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ**

### **7.1. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади**

Ушбу қўлланманинг 6-бобида таъкидлаб ўтилганидек, Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

### **7.2. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг мазмуни**

Қонуннинг 16-моддасида мазкур низомда кўрсатилиши кераклиги аниқ тартибга солинган. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг ва уни бериш зиммасига юклатилган ваколатли органнинг номи;

2) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш мақсади;

3) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати;

4) тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан, агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга ошириладиган бўлса, мазкур ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби;

5) рухсат беришга доир талаблар ва шартлар;

6) рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатларни “бир дарча” орқали беришда ваколатли органларнинг бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби;

7) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, мазкур ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби;

8) агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарурият бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати;

9) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг шакли;

10) рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати.

Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган маълумотлар рўйхати тугал саналмайди, мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу Қонунга мувофиқ бошқа нормалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Низомларнинг тузилиши Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ барча маълумотлар Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда имкони борича батафсилроқ ифодаланиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишда ёрдам бериш ҳамда уларни тайёрлашда бир хил ёндашувни таъминлаш мақсадида рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни беришга ваколатли органларга Қонуннинг 16-моддасида назарда тутилган асосий талабларни ўз ичига олувчи Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги намунавий низомдан фойдаланиш учун тақдим қилинди.

#### *7.2.1. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг ва уни бериш зиммасига юклатилган ваколатли органнинг номи*

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг ва уни бериш зиммасига юклатилган ваколатли органнинг номи Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар рўйхатида белгиланган.

#### *7.2.2. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш мақсади*

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш мақсади бўлиши лозим. Қонуннинг ушбу талаби низомларда қандай фаолиятларни амалга ошириш учун ва (ёки) ҳаракатларни бажариш учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни берилиши аниқ ифодаланишини назарда тутати. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш мақсади айнан тадбиркорлик субъектига муайян фаолиятни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатни бажариш ҳуқуқини тақдим қилишдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир рухсат этиш хусусиятига эга хужжат шахсий бериш мақсадига эга. Бошқа сўз билан айтганда, бажариш (амалга ошириш) учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжат бериладиган бир ҳаракат (фаолият), бажариш учун (амалга ошириш) бошқа рухсат этиш хусусиятига эга хужжат бериладиган бир ҳаракат (фаолият) дан фарқ қилиши лозим. Шунга кўра, такрорловчи рухсатномаларни ўрнатишга йўл қўйилмайди. Юқорида таъкидлаб

ўтилган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати ҳам бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат зарур бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолиятларни белгилайди.

Аниқ мисолларни келтирадиган бўлсак, жумладан Рўйхатнинг 33-бандида назарда тутилган экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар учун лицензия бериш мақсади тадбиркорлик субъектига қонунчиликда белгиланган рўйхатдаги махсус товарларни экспорт ва импорт қилиш ҳуқуқини бериш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси фармойиши асосида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган экспорт-импорт лицензияси бўйича амалга ошириладиган Махсус товарларнинг рўйхати *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони* билан тасдиқланган ва ўз ичига қимматбаҳо металллар, қотишмалар, улардан тайёрланган буюмлар; рудалар, концентратлар парчалари ва чиқиндилари; қимматбаҳо табиий тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар; қимматбаҳо табиий тошларнинг чиқиндилари, қуқунлари ва рекуператорлари; марварид ва улардан тайёрланган буюмлар, қаҳрабо ва улардан тайёрланган буюмларни олади.

### *7.2.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати*

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати белгиланган бўлиши лозим.

Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга қуйидагиларни тақдим этади:

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳужжатлар.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сифатида фақат тадбиркорлик субъектининг ҳаракатни бажариш ва (ёки)

муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек мавжуд бўлмаслиги ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар белгиланиши мумкин.

*Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар ҳақида мазкур қўлланманинг 8-бобида батафсил изоҳланган.*

*7.2.4. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан, агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби*

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан, агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби бўлиши лозим.

*Мазкур қўлланманинг 9-бобида ушбу тартиб ва муддатлар бўйича батафсил изоҳланган.*

Қонуннинг 16-моддасидаги талабларга батафсилроқ тўхталиб ўтиш лозим, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар, агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда айрим рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш танлов асосида амалга оширилади. Бундай рухсатлар қаторига мисол тариқасида Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 107-бандида назарда тутилган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни келтириш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 46-бандига мувофиқ углеводородлар, қимматбаҳо ва нодир металллар конларини, бошқа фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилмаларнинг кўрсатиб ўтилган турларини қавлаб олиш, шунингдек таркибида рудали фойдали компонентлар мавжуд бўлган техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар очиқ кимошди савдолари натижалари бўйича берилади.*

Мазкур низомга асосан Давлат геология қўмитаси ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни очик савдолар натижаларига кўра бериш тавсия қилинаётган ер қаъри участкалари бўйича таклифларни тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади. Углевородлар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳамда кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкалари бўйича таклифлар Давлат геология қўмитаси томонидан “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан биргаликда тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ер қаъри участкаларини белгилагандан кейин, очик савдолар ўтказилиши учун масъул бўлган давлат органлари қарорига кўра очик савдоларга қўйилаётган ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича олтимши кун ичида қуйидагилар ишлаб чиқилади:

ер қаъри тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида геологик жиҳатдан ўрганиш учун берилган тақдирда — йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар;

ер қаъри фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланиш учун, шу жумладан углевородларни, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш учун берилган тақдирда — бошланғич техник-иқтисодий асослаш.

Йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) бошланғич техник-иқтисодий асослаш асосида — Давлат геология қўмитаси томонидан, углевородлар бўйича эса — “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан биргаликда очик савдоларнинг бошланғич шартлари ўттиз кун мобайнида ишлаб чиқилади, уларда ғолибни аниқлаш мезонлари, ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг асосий ва қўшимча шартлари, очик савдоларни ўтказиш муддатлари ва тартиби, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар акс эттирилади.

Очик савдоларнинг бошланғич шартлари, қоидага кўра, ҳар бир ер қаъри участкаси бўйича якка тартибда белгиланади ёки ер қаърининг бир типдаги ёки ўзаро боғлиқ участкалари гуруҳлари учун умумий шартлар сифатида белгила ниши мумкин. Ошқора савдоларнинг бошланғич шартлари ўттиз кун мобайнида бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси ва “Ўзбекнефтгаз” МХК билан (углевородлар бўйича) келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси икки ҳафта муддатда келишувларнинг йиғма маълумотларини умумлаштиради ва шакллантиради, шунингдек йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) дастлабки техник-иқтисодий асослашни ҳисобга олган ҳолда зарур ҳулосалар ва очик савдо бошланғич шартларининг макбуллиги тўғрисидаги таклиф билан тушунтириш ёзувларини тайёрлайди. Материаллар очик савдолар



бошланғич шартларининг мақбуллигини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўттиз кун мобайнида очик савдолар бошланғич шартларининг мақбуллиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тақдим этган материалларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси очик савдолар бошланғич шартларини маъқуллаган тақдирда, бир хафта муддатда очик савдолар тўғрисида эълон чиқарилади. Бўлажак очик савдолар тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида улар ўтказилиши санасидан уч ой олдин, йирик объектлар бўйича эса — олти ой олдин эълон қилиниши керак.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш юзасидан очик савдоларда қатнашиш учун манфаатдор шахслар очик савдолар ўтказишни ташкил қилаётган орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича буюртманома берадилар. Буюртманомада талабгорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бажариш мажбуриятини олганлиги кўрсатилади. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан очик савдоларда қатнашишга буюртманомада буюртма берувчи сўралаётган ер қаъри участкаси номини ва ер қаъридан фойдаланишнинг назарда тутилаётган турини кўрсатади.

Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан очик савдолар ўтказилишини таъминлаш учун: 1) ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича тақдим этилган йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг ва (ёки) бошланғич техник-иқтисодий асослашнинг очик савдоларда эълон қилинган шартларга мувофиқлигини текшириш; 2) очик савдолар қатнашчилари томонидан тайёрланган ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича йириклаштирилган техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ва (ёки) бошланғич техник-иқтисодий асослашни қиёслаш ва баҳолаш; 3) очик савдолар ғолибини аниқлаш ва унга ер қаъри тегишли участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тайёрлаш мақсадида танлов комиссиялари тузилади.

Танлов комиссияси очик савдолар натижалари бўйича оралик ва якуний протоколларни расмийлаштиради, улар танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Танлов комиссияси таркибига давлат бошқаруви органларининг (ваколати бўйича) ваколатли вакиллари, шунингдек кон ва нефть-газ кавлаб олувчи корхоналарнинг, илмий, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассислари киритилади. Танлов комиссияларининг шахсий таркиби, вазифалари ва ваколатлари Давлат геология кўмитасининг манфаатдор вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар билан белгиланган тартибда қилинган таклифи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Танлов комиссияси ўзининг иш тартибини тасдиқлайди.

Танлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарори ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия беришга ваколатли орган томонидан лицензия бериш учун асос ҳисобланади. Ер қаъри участкаси махсулот тақсимотига оид битим шартларида

берилган тақдирда танлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарори маҳсулот тақсимоли тўғрисидаги битимни тузиш бўйича материаллар тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

*Мазкур қўлланманинг 9-бобида Ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни очиқ кимошди савдолари натижалари бўйича бериш тартиби схема тарзида келтирилган.*

### 7.2.5. Рухсат беришга доир талаблар ва шартлар

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат беришга доир талаблар ва шартлар бўлиши керак.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ рухсат беришга доир талаблар ва шартлар деб рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндисини тушуниш керак.

Юқорида келтирилган нормалардан келиб чиқиб, рухсат беришга доир талаблар ва шартлар деб рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндисидир. Демак, бу ерда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тўғрисида эмас, фақат мажбуриятлари тўғрисида гап кетади.

Рухсат беришга доир талаблар ва шартларларга риоя қилиш тадбиркорлик субъектлари томонидан муайян фаолиятни бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келмайдиган ҳолатни таъминлашга йўл қўяди.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатларига мажбурий тартибда риоя қилиш;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда; юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга хабар қилиш;

тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларига, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилиш;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган доирада ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш.

*Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатларига мажбурий тартибда риоя қилиш.*

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу рўйхатда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатларига мажбурий тартибда риоя қилиш биринчи навбатда кўзда тутилган. Мазкур талаб тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда “*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида*”*ги Қонуннинг 6-моддасига* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчасига сўзсиз риоя қилишни билдиради.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ қуйидагилар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади: а) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; б) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари; е) вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари; ё) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ушбу рухсат беришга доир талаблар ва шартлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидаги нормасидан келиб чиқади. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Қонун ҳужжатлари тизимида Қонун алоҳида аҳамият касб этади. Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

*Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда; ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кун ичида ваколатли органни хабордор қилиш.*

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми,

отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органи хабардор қилишни рухсат беришга доир талаб ва шартларга киритиш мумкин.

Ушбу қоида Қонуннинг 24-моддасидан келиб чиқади ва тегишли юридик фактлар юз берганда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш зарурати билан боғлиқ. Демак, Қонуннинг ушбу моддасига мувофиқ:

1) юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт;

2) жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Шундай қилиб, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ваколатли органи хабар қилиши шарт бўлган юридик фактлар билан, яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига хабардор қилиш мажбурияти юқлатилган юридик фактлар фарқ қилади. Агар юридик шахс номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиши шарт бўлса, яқка тартибдаги тадбиркор эса ваколатли органи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарганлиги ҳақида хабардор қилиш шарт.

*Тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларига, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилиш.*

Рухсат беришга доир талаб ва шартларнинг рўйхатида кейингиси тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларига, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилишдир.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Ушбу Қонунга мувофиқ техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария

қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар ҳисобланади. Техник регламент деганда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат тушунилади.

*Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг* (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) *91-бандида техник регламентлар; стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар (стандартлар, стандартлаштириш бўйича қоидалар ва нормалар, техник-иқтисодий маълумотлар классификаторлари); санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари; шаҳарсозлик, экологик нормалар ва қоидаларга қирмайдиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжатлар* Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмайди, деб белгиланган. *Ушбу ҳужжатларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли, деб топиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.*

*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида* тадбиркорлик субъектларининг хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этишлари шарт, деб белгиланган.

Тадбиркорлик субъектларининг экология, санитария, гигиена ва бошқа норма ҳамда қоидаларга риоя қилиш мажбурияти билан бирга рухсат беришга доир талаб ва шартлари қаторида тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларга риоя қилиш мажбурияти ҳам назарда тутилган. *Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортда ташиш қоидаларининг 121-бандидаги* нормани мисол қилиб, келтириш мумкин.

Юқоридаги бандга кўра, хавфли юклар тўлиқ комплектли ва махсус автотранспорт воситалари учун амалдаги норматив ҳужжатларга (техник топшириқлар, тайёрлаш, синаш ва қабул қилишга техник шартларга) ҳамда автотранспорт воситаларини қайта жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) га техник ҳужжатларга мувофиқ тайёрланиши керак бўлган фақат махсус ёки махсус мослаштирилган автотранспорт воситалари билан ташилиши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, *“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига* мувофиқ, амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги ахборот билан юридик ва жисмоний шахслар эркин фойдалана оладиган бўлиши керак. Шунингдек, мазкур Қонуннинг *13-моддасида* техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан ҳамда ўз ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ваколатли давлат органлари томонидан шакллантирилиши белгиланган. Техник жиҳатдан тартибга солиш

соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фонди умумий ва махсус техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг давлат фондиди шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига* мувофиқ Давлат фонди: а) юридик ва жисмоний шахсларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тўғрисида тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида ахборот бериш; б) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланишга кўмаклашиш; в) техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар тўғрисидаги ахборотларнинг ошкоралигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонунчиликка, тегишли ваколатли орган томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларга, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилишни таъминлаш учун шароит яратиш мақсадида давлат томонидан тадбиркорлик субъектларига юқоридаги ҳужжатлар учун ошкоралигини таъминлаш учун зарур чора тадбирлар кўрилади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва Қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва Қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул тақдим этилади, бошқа ахборотни тақдим этганлик учун эса белгиланган тартибда ҳақ ундирилиши мумкин.

Бундан ташқари, Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари масалалари юзасидан тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра бепул тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради, тадбиркорлик субъектлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар билан монеликсиз танишиб чиқиши ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар монеликсиз тақдим этилиши учун шарт-шароитлар яратади.

*Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган доирада ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш.*

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган доирада ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишни рухсат беришга доир талаб ва шартлардан бирига киритиш мумкин. Масалан, *Ўзбекистон Рес-*

*публикаси Президентининг 2007 йил 7 шондаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 29-бандига асосан ер қаъридан фойдаланиш лицензияда (Рўйхатнинг 107-бандида назарда тутилган) назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.*

Шуни таъкидлаш керакки, тегишли ҳаракатлар ва (ёки) муайян фаолиятларни хусусиятларини инобатга олган ҳолда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда тегишли ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун риоя қилиш лозим бўлган муайян рухсат беришга доир талаб ва шартларлар назарда тутилади.

*7.2.6. Рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатларни “бир дарча” орқали беришда ваколатли органларнинг бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигини тартиби*

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатларни “бир дарча” орқали беришда ваколатли органларнинг бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигини тартиби бўлиши керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принципларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Қонуннинг 9-моддасида ушбу принципнинг моҳияти очиб берилган. Ушбу принципнинг моҳияти шундаки, ваколатли орган тadbirkorлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тadbirkorлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

*Мазкур қўлланманинг 5-бобида ҳужжатларни “бир дарча” принципи орқали бериш батафсил изоҳланган.*

*7.2.7. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, мазкур ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби*

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, мазкур ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби белгиланиши лозим.

Мазкур тартиб-таомилларни амалга ошириш тартиби Қонуннинг 22–25-моддаларида назарда тутилган.

*Мазкур қўлланманинг 10, 12 ва 13-бобларида ушбу тартиб-тоамиларни амалга ошириш тартиби тўғрисида батафсил изоҳланган.*

*7.2.8. Агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати*

Мазкур низомларда, агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати бўлиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг ўтказиш ваколатига эга.

Қонун ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг мажмуасини аниқ белгиламайди. Шунга кўра, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартиб-таомилининг ушбу жиҳатини, амалиётда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни ҳал қилиш учун, ваколатли орган тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш билан чекланиши керакми ёки у тадбиркорлик субъектига тегишли ёки фойдаланадиган мулк жойлашган жойига чиқиш ваколатига эгами саволи туғилмаслиги учун, бевосита норматив йўл билан тартиб солиш зарурияти мавжуд.

Шунинг учун, мазкур ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати лозим бўлганда конкрет рухсат бериш тартиб-таомилларида ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларида кўрсатилади.

*7.2.9. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг шакли*

Қонуннинг 16-моддасида шунингдек яна битта муҳим қоида ўрнатилганки, ҳар бир рухсат бериш тартиб-таомилларида ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда беришилиши ушбу низомлар билан тартибга солинадиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг стандарт шакли бўлиши лозим. Бугунги кунда, масалан Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналари Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йил 15 майдаги 01–705-сон буйруғи (рўйхат рақами 1686, 2007 йил 4 июнь) билан тасдиқланган ва қуйидаги шаклда:



VILOYAT HOKIMLIGI



TUMAN HOKIMIYATI

**R U X S A T N O M A № 00000  
 Р А З Р Е Ш Е Н И Е**

Davlat o'rmon fondiga kirmaydigan daraxt va butalarni kesish uchun  
 на рубку древесных и кустарниковых насаждений вне государственного  
 лесного фонда

Berildi \_\_\_\_\_ ga  
 Выдано \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_ viloyati, \_\_\_\_\_ tumani,  
 область район  
 aniq hudud \_\_\_\_\_  
 конкретная территория

Qo'riqxonalar va boshqa tabiiy muhofaza hududlaridan hamda tabiat yodgorliklaridan tashqari hududlarda, qonun bo'yicha, binolar, inshootlar va kommunikatsiyalar qurilishi hamda fuqarolar xavfsizligini ta'minlash bilan bogliq sanitariya tartibida kesishlar.

В порядке проведения санитарных рубок и рубок, связанных с обеспечением безопасности граждан, а также со строительством зданий, сооружений и коммуникаций, за исключением территорий заповедников и других охраняемых природных территорий и памятников природы в соответствии с законодательством

Daraxt va butalarni nomi Название вида	Daraxtni yoki butani diametri Диаметр ствола	Miqdori Количество
---	---	-----------------------

Ruxsatnoma joylardagi o'simlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish davlat nazoratidan so'xatdan o'tkazilgan holda haqiqiydir. Joylardagi tabiatni muhofaza qilish organlariga taqdim etilishi lozim. Amal qilish muddati tugagandan so'ng kesilgan daraxtlar yoki butalarni hisoboti bilan ruxsatnoma berilgan joyga 10 kun ichida qaytariladi.

Разрешение действительно при регистрации в госинспекции по охране животного и растительного мира. Подлежит предъявлению органам охраны природы на местах. По окончании срока действия (в течение 10 дней) с отчетом о рубке деревьев или кустарников возвращается по месту получения.

Ruxsatnomani muddati \_\_\_\_\_ dan \_\_\_\_\_ gacha  
 Срок действия разрешения с по

Asos: \_\_\_\_\_  
 Основание

Hokim o'rinbosari \_\_\_\_\_ M. O' \_\_\_\_\_  
 М.П. \_\_\_\_\_ imzo / подпись  
 « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20 \_\_ yil

*7.2.10. Рухсат этиши хусусиятига эга тегишли ҳужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат этиши хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати*

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати белгиланган бўлиши керак.

*Мазкур қўлланманинг 10-бобида рухсат этиши хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тўғрисида батафсил изоҳланган.*

### **7.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши**

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши мумкин. Шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тўғрисидаги низомларда, масалан, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида талаблар бўлмаслиги мумкин, агарда ушбу ҳужжат бир марталикка бериладиган бўлган ҳолларда.

Шунингдек, низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ва яқка тартибдаги тadbиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси тақдим этилиш талаби назарда тутилмаслиги мумкин.

Қонундаги нормалар низомларда, агарда бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг хусусиятидан келиб чиқиб, уларни беришнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган ҳоллардагина мавжуд бўлмаслиги мумкин.

## **8-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИ ОЛИШ УЧУН АРИЗА ВА БОШҚА ЗАРУР БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ**

### **8.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхати**

Қонуннинг 14-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга тақдим этадиган ҳужжатлар рўйхати белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмақчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳужжатлар.

#### *8.1.1. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани топшириш*

Тадбиркорлик субъекти ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш тўғрисидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатган ҳолда тақдим қилади:

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари;

тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмақчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддасига мувофиқ юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик

шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда бевосита тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият, яъни қайсики тадбиркорлик субъекти унга ваколатли орган томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилади.

### *8.1.2. Тадбиркорлик субъекти томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасини топшириши*

Тадбиркорлик субъектлари ваколатли органга юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари учун таъсис ҳужжатларининг нусхасини тақдим қилади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, тадбиркорлик субъектига юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ва яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Мазкур низомлар тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг тартиби ва муддатларини батафсил тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига бевосита тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида умумий нормалар мавжуд.*

*Масалан, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-иловасига мувофиқ юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шакли қуйидагича бўлади:*

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида  
ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_

№ 0000000

Мазкур гувоҳнома юридик шахс \_\_\_\_\_

га

(Ўзбек тилидаги тўлиқ номи)

(юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари учун

ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТҲШ

Мулкчилик шакли:

МШ

Почта манзили:

МҲОБТ

Юридик шахс коди:

КТУТ

Тармоқ коди:

ХХТУТ

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

СТИР

Қўшимча маълумотлар:

М. Ў.

Ваколатли орган раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

*8.1.3. Тадбиркорлик субъектлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим қилиш*

Қонуннинг 14-моддасида тадбиркорлик субъекти тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун ваколатли органга тақдим қилиши керак бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати белгиланмаган. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу ҳужжатларнинг тугал рўйхати назарда тутилди. Ушбу рўйхатнинг мазмуни бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат зарур бўладиган тегишли ҳаракатни бажариш ва(ёки) муайян фаолият хусусиятидан келиб чиқади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Ушбу Рўйхатда тадбиркорлик субъектларига муайян фаолиятни амалга ошириш ва (ёки) бажариш учун зарур бўлган 220 та рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат (тартиб-таомил)лар назарда тутилган. Шу билан боғлиқ ҳолда Қонуннинг 14-моддасида тадбиркорлик субъекти тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун ваколатли органга тақдим қилиши керак бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати белгиланмаган.

Хусусан, Қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъекти ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сифатида фақат тадбиркорлик субъектининг ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек мавжуд бўлмаслиги, ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар белгиланиши мумкин.

Ҳозирги кунда масалан, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ 605-сон қарори билан тасдиқланган Алкогол маҳсулотлар чакана савдо қилиш қоидаларига* мувофиқ, ваколатли органга алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилади:

а) шаҳарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари миқдорида ва қишлоқ жойларда ҳамда чекка тоғли туманларда — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида шакллантирилган устав фонди мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

б) юридик шахсда шаҳарларда — алоҳида кириладиган ва камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларда камида 15 квадрат метрли савдо зали майдони бўлган (фақат алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишга мўлжалланган), чекка тоғли туманларда — алоҳида савдо секцияси бўлган, алкогольли

махсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария нормалари ва қоидаларига (шу жумладан назорат-касса машиналарини ва банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш шартларига, моддий бойликлар тўлиқ даражада сақланиши таъминланишига) мувофиқ бўлган омбор бинolari ва асбоб-ускуналари бўлган ўзининг ёки ижарага олинган турғун савдо шохобчаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси. Юридик шахсда ўз турғун савдо шохобчаси мавжуд бўлган тақдирда, улар томонидан ушбу савдо шохобчасига ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжат тақдим этилади. Турғун савдо шохобчаси ижарага олинган тақдирда, ижара шартномасидан ташқари ушбу савдо шохобчасининг ижарага олувчига тегишлилигини тасдиқлайдиган ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

## **8.2. Тадбиркорлик субъектидан Қонуннинг 14-моддасида ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмаслиги**

Қонуннинг 14-моддасида тадбиркорлик субъекти тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун ваколатли органга тақдим қилиши керак бўлган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати белгиланмаган. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу ҳужжатларнинг тугал рўйхати назарда тутилади.

Шунинг учун, тадбиркорлик субъектидан Қонуннинг 14-моддасида ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ушбу норманинг ўрнатилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу тақдирнинг мавжудлиги учун тадбиркорлик субъектларидан қўшимча ҳужжатларни талаб қилишда давлат органларининг асосиз талабларидан тадбиркорлик субъектлари ҳимоя қилинади.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу ҳужжатларнинг тугал рўйхати назарда тутилади. Шунинг учун, бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилиш зарурияти мавжуд эмас.

Агарда ҳар қандай ваколатли органи рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган тадбиркорлик субъектидан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатлар талаб қилса, ваколатли органнинг ушбу талаби Қонуннинг 14-моддасига кўра ғайриқонуний ҳисобланади. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослардан бири рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ

бўлмаган ҳажмда тақдим этиши ҳисобланади. Демак, агарда ваколатли орган тадбиркорлик субъектидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни унга бериш учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилса, тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу ҳужжатни тақдим қилмаслик рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

### **8.3. Тадбиркорлик субъектлар томонидан ваколатли органларга ҳужжатларни тақдим қилиш**

Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Зарур бўлган ҳужжатларни бевосита тақдим қилиш деганда, тадбиркорлик субъекти уларни мустақил равишда ваколатли органга топшириши тушунилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан рочта алоқаси воситалари орқали етказиш тартиби *“Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонун* ва почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ почта алоқаси хизматлари почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта ва курьерлик хизматлари тарзида кўрсатилади. Почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) почта хизматларининг бир тури ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари курьерлик хизматлари (курьерлик жўнатмаларини, шу жумладан халқаро курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб беришдир (топшириш)) дан ҳам фойдаланиши мумкин. Ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ почта алоқаси хизматлари учун тўлов почта алоқаси оператори ёки провайдери томонидан шартнома асосида белгиланадиган тарифлар бўйича аниқланади.

Ахборот коммуникация технологиялар ривожланиши билан тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар ваколатли органга электрон шаклда ҳам етказилиши мумкин. Ҳужжатларни электрон ҳужжат айланиши шаклда етказиш тартиби *“Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги*, *“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги* қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. *“Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги* Қонунга мувофиқ электрон ҳужжат айланиши электрон ҳужжатларни ахборот тизими орқали жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнлари йиғиндисидан иборат бўлади. Қонун ҳужжатларида ёки электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг келишуви билан электрон ҳужжатнинг бошқа реквизитлари ҳам белгиланиши мумкин.



Шунингдек, мазкур Қонунга кўра, электрон ҳужжатнинг мажбурий рекевизитлари электрон рақамли имзо; электрон ҳужжатни жўнатувчи юридик шахснинг номи ёки электрон ҳужжатни жўнатувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили; ҳужжат яратилган сана ҳисобланади. Ушбу Қонунга мувофиқ электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳужжатларни етказиш усулидан қатъи назар улар ваколатли органга олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Бу тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолати ҳисобланади.

#### **8.4. Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни ваколатли орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилишнинг тартиби**

Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тегишли ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда, дарҳол тадбиркорлик субъектига берилади (юборилади).

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатларини рўйхат бўйича қабул қилиш тартиби айрим фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия беришда узоқ йиллар давомида қўллаб келинмоқда. *Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қозғалар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 17-бандига* асосан ҳужжатлар лицензияловчи органнинг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинганлиги санаси тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Қонуннинг 14-модда мазмунига кўра, рўйхат деганда тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг рекевизитлари ҳамда варақлар сони кўрсатилган ҳисоб ҳужжати тушунилади. Ундан ташқари, рўйхатда ваколатли органда қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилади. Тақдим этилган ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилиш жуда муҳим ҳисобланади, чунки ушбу рўйхат билан тадбиркорлик субъекти зарурият бўлганда зарур ҳужжатлар ўз вақтида ва тўлиқ топширилганлигини исботлаши мумкин.

## **9-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, УНИ БЕРИШ ЁКИ РАД ЭТИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБ-ТАОМИЛИ**

### **9.1. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки рад этиш муддати**

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилади ва тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур хужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан рухсат этиш хусусиятига эга зарур хужжатлар “бир дарча” орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризаси барча зарур хужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан ўттиз иш кун ичида қабул қилиши керак. Бунда юқоридаги моддада тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилишини назарда тутди. Албатта, Қонуннинг 18-моддасида белгиланган муддатдан қисқароқ бўлиши мумкин.


Шуни таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериши (юбориши) ёки бундай хужжатни бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши муддати юқоридаги моддада белгиланган. Демак, Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериши (юбориши) ёки бундай хужжатни бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу норманинг императив характери ваколатли органни тегишли қарорни қабул қилгандан кейин(рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги) тегишли хужжатни расмийлаштириш(хабардор қилиш) ва уни тадбиркорлик субъектига тақдим қилиш(юбориш) ни кечиктирмасликни талаб қилади.


Ушбу нормалар борлиги учун тадбиркорлик субъектлари ваколатли органнинг қарори натижалари тўғрисида тезда хабардор қилинади, бу унга

берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишга тезда кириши ёки рад қилиш сабаби бўлган камчиликларни бартараф этиш билан шуғулланишга ёхуд аксинча рад қилиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш имконини беради.

Айрим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш схемаси назарда тутилган. Мисол тариқасида, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 ноябрдаги 310-сон қарори билан тасдиқланган Локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтиришга техник ечимлардан ишлаб чиқаришда фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада назарда тутилган схемани келтириш мумкин:

**Локомотивлар, юк ва изотермик вагонларнинг хизмат қилиш  
муддатларини узайтиришга техник ечимлардан  
ишлаб чиқаришда фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси  
Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси билан келишиш  
СХЕМАСИ**





**9.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини ўттиз иш кунидан ортиқ қилиб белгилаши**

Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим ҳаракатлар ва (ёки) муайян фаолият учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини ўттиз иш кунидан ортиқ қилиб белгилаши мумкин. Ушбу норманинг ўрнатилиш сабаби шуки, айрим рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бўйича хусусиятидан келиб чиқиб, уларни умумий белгиланган муддатда бериш имконсиз, чунки ваколатли органлар уларни тадбиркорлик субъектига беришдан олдин ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларни ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларни ўтказишлари керак. Қуйида ушбу масала ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун айрим рухсат этиш хусусиятига ҳужжатларни беришни қарор қилиш учун узокроқ муддат белгилаш талаб қилинадиганларни жадвал шаклида келтирамыз.

т/р	Рухсат бериш тартиб-гаомилининг номи	Ваколатли орган	Асос
1.	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Ушбу рухсатнома “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган ва ер ости бойликлари — моддий ресурсларни тасаррувф этишга доир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомда ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни бериш тартиби назарда тутилган.

т/р	Рухсат бериш тартиб-таомилининг номи	Ваколатли орган	Асос
1	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензия	Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Ушбу рухсатномани беришда ер ости бойликларидан тўғри фойдаланиш борасида турли масалалар ҳал қилинади ва чуқур анализ қилинади. Бунда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳажми ва шартлари, уларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқалар белгиланади. Ер ости бойликларидан фойдаланиш кўрсатилган шартларини бузилган ҳолда фойдаланиш катта ва қайта тиклаб бўлмайдиган ноқулай оқибатларга олиб келиши мумкин.
2.	Янги озик-овқат қўшимчаларини ва овқатланиш маҳсулотларини ва озик-овқат хомашёларини ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини қўллашга рухсатнома		Ушбу рухсатномаларни бериш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва клиник синовлар(одамлар устидан) ўтказади.  Тажрибалар натижалари биологик процесс бўлган табиий муддат билан боғлиқ айрим вақтларда ойларда 8–10 ойга боради.
3.	Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ушбу муддат табиий процесслар билан боғлиқ бўлгани учун тезлаштириш имконсиз. Бу йўқотиш хавфи (аҳоли ҳаёти ва соғлиғи, иқтисодиёти ва бошқа объектлар) катта ва қайта тиклаш имконсиз бўлиши мумкин.
4.	Янги микроорганизмлар, вируслар ва шаклларни олиш ва фойдаланиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасига олиб кириш имконияти тўғрисида ҳулоса		

т/р	Рухсат бериш тартиб-таомилининг номи	Ваколатли орган	Асос
5.	Биопрепаратлар, дори-дармонлар, озуқабоп қўшимчалар, микроэлементлар, биологик кучайтиргичлар ва гормонларни тасдиқлаш тўғрисида қарор	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	<p>Ушбу рухсатномани бериш “Ветеринария тўғрисида” ги Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган. Ушбу рухсатномани бериш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хайвон ва ўсимликлар устида синашлар(тажриба) ўтказди. Синовлар натижалари биологик процесс бўлган табиий муддат билан боғлиқ айрим вақтларда 8–10 ойга боради.</p> <p>Ушбу муддат табиий процесслар билан боғлиқ бўлгани учун тезлаштириш имконсиз. Бу йўқотиш хавфи (ўсимлик ва хайвон ҳаёти ва соғлиғи, иқтисодиёти ва бошқа объектлар) катта ва қайта тиклаш имконсиз бўлиши мумкин.</p>

Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияни умум белгиланган муддатда беришнинг имконсизлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга 1 ва 2-иловаларда назарда тутилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиясини бериш схемасини келтириш билан кўрсатамиз.

**Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни  
очик кимошди савдолари натижалари бўйича бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Харакатлари	Муддатлар	
1-босқич	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, углеводлар хом ашёси бўйича “Ўзбекнефтгаз” МХК билан биргаликда	Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни очик савдолар натижаларига кўра бериш тавсия қилинаётган ер қаъри участкалари бўйича таклифларни тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади		
	Вазирлар Маҳкамаси	Очик савдога кўйилган ер қаъри участкаларини келишади	10 кун	
	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, углеводлар хом ашёси бўйича “Ўзбекнефтгаз” МХК билан биргаликда	Вазирлар Маҳкамаси ер қаъри участкаларини белгилангандан кейин, ЙТИХҚ ёки БТИА ни ишлаб чиқади		60 кун
		Очик савдоларнинг бошланғич шартларини ишлаб чиқади		30 кун
Тегишли давлат бошқарув органлари (бир пайтда)	Очик савдоларнинг бошланғич шартларини келишади		30 кун	



Босқичлар	Субъектлар	Харакатлари	Муддатлар
2-босқич	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Келишувларнинг йиғма маълумотларини умумлаштиради ва шакллантиради, шунингдек йириклаштирилган техник-иктисодий ҳисоб-китоблар ва (ёки) дастлабки техник-иктисодий асослашни ҳисобга олган ҳолда зарур хулосалар ва очиқ савдо бошланғич шартларининг мақбуллиги тўғрисидаги таклиф билан тушунтириш ёзувларини тайёрлайди ва материаллар очиқ савдолар бошланғич шартларининг мақбуллигини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади	икки ҳафта муддатда
	Вазирлар Маҳкамаси	Очиқ савдолар бошланғич шартларининг мақбуллиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тақдим этган материалларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади	30 кун
3-босқич	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Бўлажак очиқ савдолар тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилади	Вазирлар Маҳкамаси очиқ савдолар бошланғич шартларини маъқуллаган сананан бир ҳафта муддатда очиқ савдолар тўғрисида эълон чиқарилади, бўлажак очиқ савдолар ўтказилиши санасидан уч ой олдин, йирик объектлар бўйича эса — олти ой олдин

3-босқич	Ер қаъри участка- сидан фойдаланиш хукукига талабгор (ариза берувчи)	очик савдоларда қатнашиш учун буюртманомна беради	Очик савдолар шартларига мувофик ҳолда
	Давлат геология ва минерал ресурс- лар қўмитаси, углеводлар хом ашёси бўйича Ўзбекнефтегаз МХК билан биргаликда	Экспертиза ўтазади ва буюрт- маноманинг қабул қилинган- лиги ёки уни қабул қилишни асосланган ҳолда рад этилган- лиги тўғрисида қарор қабул қилади	20 кун
4-босқич	Ер қаъри участка- сидан фойдаланиш хукукига талабгор (ариза берувчи)	Буюртмачи олинган геологик ва бошқа ахборотлар асосида ЙТИХҚ ёки БТИА ни тайёр- лайди ҳамда уларни кўриб чиқиш учун танлов комиссия- сига тақдим этади. Буюртмачи айни бир вақтда танлов комис- сиясига ер қаъри участкаси (участкалари) дан фойдала- ниш билан боғлиқ ишларни бажариш учун зарур бўлган ўз молиявий имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади	очик савдолар шартларида белгиланган муддатда
5-босқич	Вазирлар Маҳкам- маси томонидан тасдиқланган танлов комиссияси	Тақдим этилган ер қаъри участ- касидан фойдаланиш бўйича ЙТИХҚ ва (ёки) БТИА нинг очик савдолар шартларига (иқтисодий, технологик, экологик ва бошқа шартларга) мувофиқлиги тўғри- сидаги қарор қабул қилинади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади	20 кун
	Вазирлар Маҳкамаси	танлов комиссиясининг қарорини тасдиқлаш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади	30 кун
6-босқич	Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси	Лицензияни расмийлашти- ради, давлат рўйхатидан ўтказади ва очик савдо голибига беради	30 кун

**Юридик ва жисмоний шахсларнинг лицензия бериш ваколатига эга бўлган органлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориши натижасида бериш СХЕМАСИ**

Боскичлар	Субъектлар	Харакатлари	Муддатлар
1-боскич	<p>Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига талабгор (ариза берувчи)</p>	<p>Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияни олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияни беришга ваколатли бўлган органга буюртманомани топширади.</p>	<p>Талабгор хошишига кўра</p>
2-боскич	<p>Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияни беришга ваколатли орган</p> <p>Давлат геология кўмитаси (углеводородлар бўйича эса “Ўзбекнефтгаз” МХК билан биргаликда), чиқиндиларни саклаш ва кўмиш максатида ер ости иншоотлари куриш ва уларни ишлатиш учун фойдаланишга бериладиган ер қаъри участкаси бўйича — Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси</p>	<p>Буюртманомани кўриб чиқади ва қабул қилинганлиги ёки уни қабул қилишнинг асосли равишда рад этилганлиги тўғрисида қарор чиқаради</p> <p>лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини ишлаб чиқади</p>	<p>20 кунда, нодир тош хом ашё намуналарини, палеонтологик қолдикларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун лицензия беришга буюртманомалар бўйича эса — 10 кун мобайнида</p> <p>30 кун</p>

Босқичлар	Субъектлар	Харакатлари	Муддатлар
3-босқич	Тегишли давлат бошқарув органлари (бир пайтда)	лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини келишади	30 кун, йирик ва энг мураккаб объектлар буйича эса материаллар келиб тушган пайтдан бошлаб — 60 кун
	Тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	лицензияга киритиладиган ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартлари лойиҳасини келишади, агарда ер қаъри участкаси умумтарқалган фойдали қазилмаларни казиб чикариш учун фойдаланишга берилган ҳолда	
4-босқич	Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун лицензияни беришга ваколатли орган	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш шартларининг келишилган лойиҳаси танишиш учун лицензия талабгорига берилади. Талабгор ер қаъридан фойдаланишнинг таклиф қилинаётган шартларига рози бўлган тақдирда, сўралаётган ер қаъри участкаси буйича геологик ва бошқа ахборотлар белгиланган тартибда тақдим этилади ва Махфийлик тўғрисидаги битим имзоланади.	10 кун
	Ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳукукига талабгор (ариза берувчи)	Талабгор, ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг қўйилган шартларини ва ер қаъридан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда ЙТИХК ва (ёки) БТИА ни, мўлжалланаётган фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш(АМТБ) лойиҳасини тайёрлайди ва уларни экспертизага тақдим қилади	ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуки учун лицензияни беришга ваколатли орган билан талабгор келишган муддатларда

Боскичлар	Субъектлар	Харакатлари	Муддатлар
5-боскич	Давлат геология кўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Саноатгеоконтехназорат давлат инспекцияси ва Ўзбекнефтгаз МХК (углеводородлар бўйича)	ЙТИХҚ экспертизасини амалга оширади	ЙТИХҚ тақдим қилинган вақтдан бошлаб 2 ҳафта муддатда
	Давлат геология кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Саноатгеоконтехназорат давлат инспекцияси, Ўзбекнефтгаз миллий холдинг компанияси (углеводородлар бўйича)	БТИА экспертизасини амалга оширади	БТИА тақдим қилинган вақтдан бошлаб 2 ҳафта муддатда
	Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси	АМТБ экспертизасини амалга оширади	кунун ҳужжатларида белгиланган муддатларда
	Ер қазри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига талабгор (ариза берувчи)	Экспертиза натижаларига кўра, ЙТИХҚ ва (ёки) БТИА га зарур тузатишлар киритади ҳамда уларни экспертизани бажарган органларга қелишиш учун жўнатади, ижобий хулоса олган ҳолатда ЙТИХҚ ва (ёки) БТИА талабгор томонидан Давлат геология кўмитасига тақдим этилади.	қелишилган муддатларда

**Босқичлар**                      **Субъектлар**                      **Ҳаракатлари**                      **Муддатлар**

6-босқич	Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси	Экспертизанинг йиғма материалларини умумлаштиради ва шакллантиради, шунингдек зарур хулосалар ҳамда талабдорга ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига тегишли лицензия бериш тўғрисидаги таклиф билан бирга тушунтириш хати тайёрлайди ва материаллар кўриб чиқиш ва ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензия беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади	2 ҳафта муддатда
	Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси	давлат экология экспертизаси хулосаси ижобий бўлган тақдирда, ер қаъри участкасидан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш мақсадида ер ости иншоотлари қуриш ва уларни ишлатиш учун фойдаланиш ҳуқуқига лицензия беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади	2 ҳафта муддатда
7-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Давлат геология кўмитаси ва (ёки) Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ҳамда улар ер қаъри участкасидан фойдаланишнинг белгиланган шартларига мувофиқ бўлган тақдирда, лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилади.	30 кун
8-босқич	Давлат геология кўмитаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси	Лицензия беришга ваколатли тегишли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияни расмийлаштиради ва беради. Ер қаъридан фойдаланувчига лицензия берилгандан кейин, ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича якуний техник-иқтисодий асослашни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун фойдаланишга берилган ер қаъри участкаси бўйича геологик ва бошқа ахборотларнинг тўлиқ пакети реализация қилинади.	30 кун

### **9.3. Тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларни ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларни ўтказиш**

Қонунга мувофиқ ваколатли органни қарор қабул қилиш учун тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларни ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларни ўтказиш ваколатига эга.

Юқоридаги таъкидланганидек, Қонун тегишли масалаларни ҳал қилиш учун ваколатли органлар амалга оширилидиган чора-тадбирларни тугал рўйхати белгиланмайди. Қонуннинг 16-моддасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати бўлиши лозим деб белгиланган.

### **9.4. Ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаганда тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш**

Қонуннинг 18-моддасида жуда муҳим яна бир норма назарда тутилган, унга кўра агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаса, тадбиркорлик субъекти Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган муддат ўтганидан кейин, бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмақчи бўлган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади, Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу ҳолатда ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши шарт. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олингунига қадар,

тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати ва тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга йўлланган хабарнома рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга тенглаштирилади ҳамда шундай ҳаракатни бажариш ва (ёки) шундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади.

Қонунда ушбу норманинг мустаҳкамланиши тадбиркорлик субъектларининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Ушбу механизмни жорий қилиш амалий қафолатни таъминлайди ва тадбиркорлик субъектларининг аризаларни кўриб чиқиш муддатлар бўйича чеклов давлат органлари томонидан риоя қилинади. Давлат органи ходими тадбиркорлик субъектларининг аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш учун маъсул ҳисобланади ва ўз вақтидан кечиккан ҳолатда қонун кучига кўра автоматик қарор қабул қилинади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ ушбу механизм агарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим ҳаракатлар ва (ёки) муайян фаолият учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатларини ўттиз иш кунидан ортиқ қилиб белгиланган ҳолатда тадбиқ этилмайди. Ундан ташқари мазкур механизм рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда бошқача ҳолат назарда тутилган ҳолларда ҳам тадбиқ этилмайди.

### **9.5. Ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослар**

Қонуннинг 20-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослар аниқ белгиланган. Қуйидагилар бундай асослар сифатида тан олинади: 1) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги; 2) тадбиркорлик субъектининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги; 3) тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун алоҳида асос сифатида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ ўтказилиши шарт бўлган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги белгиланган.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйил-



майди. Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этишнинг қўшимча асосларини белгилаш ҳуқуқига эга эмас.

*9.5.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиш*

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун биринчи асос сифатида Қонуннинг 20-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этиш деб белгилайди. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тадбиркорлик субъекти тегишли ваколатли органга қуйидагиларни тақдим этади:

1) юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза;

2) юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

3) рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳужжатлар. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сифатида фақат тадбиркорлик субъектининг ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек мавжуд бўлмаслиги ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва Қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар etkazилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар белгиланиши мумкин.

*Мазкур қўлланманинг 8-бобида ҳужжатларнинг ушбу рўйхати батафсил изоҳланган.*

*9.5.2. Тадбиркорлик субъектининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги*

Тадбиркорлик субъектининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад

этиш учун кейинги асос саналади. Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат беришга доир талаблар ва шартлар бўлиши керак. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: 1) тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатларига мажбурий тартибда риоя қилиш; 2) жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга хабар қилиш; 3) тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларига, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилиш; 4) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган доирада ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш;

Юқорида келтирилган рухсат беришга доир талаблар ва шартлар рўйхати мазкур қўлланманинг 7-бобида батафсил муҳокама этилган. Бу ерда ушбу рухсат беришга доир талаблар ва шартлардан ҳар қандай бирига мувофиқ эмаслиги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этилишига олиб келишини таъкидлаш етарли бўлади.

### *9.5.3. Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги*

Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун кейинги асос саналади. Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги факти ваколатли орган томонидан тегишли чораларни кўриш йўли билан аниқланади.

### *9.5.4. Ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса*

Қонуннинг 20-моддаси шунингдек рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асос сифатида ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлигини белгилаш имкониятини белгилайди.

Мазкур низомларда агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати бўлиши лозим.

*Мазкур қўлланманинг 7-бобида бу ҳақида батафсил изоҳланган.*

### **9.6. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномани тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда юбориш (жўнатиш)**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришнинг рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ ва тадбиркорлик субъекти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Тадбиркорлик субъекти рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Қонуннинг 20-моддаси нормаларига кўра рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада 1) рад этиш сабаблари; 2) қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари; 3) тадбиркорлик субъекти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат бўлиши шарт. Фақатгина юқоридаги барча жиҳатлар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада бўлсагина, белгиланган шаклга риоя қилинганлигини тасдиқлайди. Бошқача сўз билан айтганда, агарда масалан хабарномада рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад қилиш учун бўлиб хизмат қилган асос қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларига ҳавола мавжуд бўлмаслиги, тадбиркорлик субъектида рад қилишни шикоят қилиш учун қонуний асоси бўлади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарноманинг қатъий шакли мавжуд эмас. Ушбу рад қилиш ваколатли органнинг тадбиркорлик субъектига хати шаклида расмийлаштирилиши мумкин. Бунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарноманинг намунавий шакли қуйидаги шаклда бўлиши мумкин:

**ХАБАРНОМА**  
**руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни рад этиш тўғрисидаги**

\_\_\_\_\_

(жисмоний ёки юридик шахс номи (аризачи))

\_\_\_\_\_

Аризани ва ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича,  
рўйхатга олинган \_\_\_\_\_  
№ \_\_\_\_\_, руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим  
этилган: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(ҳаракат ва фаолият турини кўрсатиш)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ хизмати \_\_\_\_\_ Сизга руҳсат этиш  
хусусиятига эга ҳужжат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонунчиликдаги аниқ нормалар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

рад этиш сабабларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш  
учун муддат: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Сиз қонунчиликда белгиланган тартибда бўйсунув тартибида юқори турувчи  
орган ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Раҳбар \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

М.Ў.

### **9.7. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришни рад қилиш учун асос бўлиб хизмат қилган камчиликларни тадбиркорлик субъектлари томонидан бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш**

Қонуннинг 20-моддасида тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тадбиркорлик субъектининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Тадбиркорлик субъектининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Ваколатли орган томонидан қабул қилинган қарор ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш ҳужжатларни такроран кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддати Қонуннинг 20-моддаси бешинчи қисми нормаларига асосланган, унга кўра ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини ваколатли орган томонидан келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Бошқа сўзлар билан айтганда, тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳужжатларни қайта топширилганда ваколатли орган фақат илгари рухсат этиш хусусиятига ҳужжатни беришни рад этишга сабаб бўлган камчиликларни бартараф этилганлигини аниқлайди. Шунга кўра ушбу ҳолатда тўлиқ кўриб чиқиш учун ўн кунлик муддат етарли ҳисобланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин тадбиркорлик субъекти томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади. Ушбу норма тадбиркорлик субъекти рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддатни бузишга қарши тадбиркорлик субъектлари учун ноқулай оқибатларни белгилайди. Ушбу ноқулай оқибатлар шундан иборатки, агар тадбиркорлик субъекти тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ваколатли органга тегишли аризани топширган ҳолда, ушбу ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

## **9.8. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Қонуннинг 20-моддаси тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутлади.

Шикоят қилиши ҳуқуқи ваколатли орган ёки суднинг қарори, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ни ушбу қарордан норози бўлган тадбиркорлик субъекти талаби бўйича қонунийлигини текширишни амалга оширишни билдиради.

Қонуннинг 20-моддаси нормаларига асосан тадбиркорлик субъектлари — юридик ва жисмоний шахслар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш устидан ваколатли давлат органининг қарори ёки унинг мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ҳам маъмурий тартибда (ушбу тартиб бўйсунув тартибидаги юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилишни билдиради) ҳам суд тартибида (шикоят ишларни судловлигини инобатга олган ҳолда ҳўжалик судлари орқали амалга оширилади) шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

*Мазкур қўлланманинг 14-бобида шикоят қилиш тартиби бўйича батафсил изоҳланган.*

## **9.9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартиби**

Қонуннинг 19-моддаси тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартибини белгилаганини таъкидлаш лозим. Мазкур моддага асосан рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда тадбиркорлик субъектлари ушбу Қонун 14-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этган пайтдан эътиборан улар томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартиби назарда тутилиши мумкин.

*Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ ваколатли органга тақдим қилинадиган ҳужжатларнинг рўйхати мазкур қўлланманинг 8-бобида батафсил изоҳланган.*

Қонуннинг 19-моддаси талабларидан келиб чиқиб, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилган ҳолларда тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун у ёки бу рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилишнинг ўзи етарли бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга тенглаштирилади.

## **10-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

### **10.1. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмаслиги**

Қонуннинг 15-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди. Бу билан боғлиқ ҳолда шарҳланаётган модданинг биринчи қисми қоида тариқасида рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати чексиз ҳолда берилади. Мисол тариқасида, *Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар рўйхатининг 63-бандида* назарда тутилган объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома муддати чекланмаган рухсат этиш хусусиятига эга хужжат тақдим қилинади. Бугунги кунда ушбу хужжатни бериш тартиби *Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги* низом билан тартибга солинади.

Умуман шуни таъкидлаш жоизки, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати чексиз берилишини қоида тариқасида ўрнатилиши, шу билан асосланадики Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар рўйхатида назарда тутилган кўпчилик рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар муайян ҳаракатни бажаришга қоида тариқасида бир маргаликка хусусиятга эга ҳолда берилади. Мисол тариқасида, жумладан куйидагиларни келтириш мумкин:

истеъмолда бўлган машиналар, ускуналар ва механизмларни экспорт қилишга рухсат этиш тўғрисидаги қарор (Рўйхатнинг 40-бандида назарда тутилган);

саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-кидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тўғрисидаги қарор (Рўйхатнинг 102-бандида назарда тутилган) ва бошқалар.

### **10.2. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишига маълум муддат белгилаш**

Шу билан биргаликда қоида тариқасида муайян фаолият турларини амалга оширишга бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларнинг айрим турлари ушбу фаолият турининг хусусиятидан келиб чиқиб, маълум муддатга берилиши мумкин. Қонуннинг 15-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга

тегишли ҳужжат ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш хусусияти ва шартларини ҳисобга олган ҳолда чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларга нисбатан амал қилиш муддатлари белгилаб қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Масалан, ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиянинг (Рўйхатнинг 107-бандида назарда тутилган) амал қилиш муддати қонунчиликда чекланган. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 40-бандига мувофиқ* ер қаъридан фойдаланиш муддатлари лицензияда кўрсатилади ва ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ҳисобланади. *“Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ* ер қаъри участкаларидан муддатли фойдаланишга:

а) геологик жиҳатдан ўрганиш учун — беш йилгача муддатга;

б) фойдали қазилмаларни қавлаб олиш ва техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш учун — фойдали қазилма қонини ёки техноген минерал ҳосилаларни ишга солишнинг техник-иқтисодий асосларда белгиланган муддатига;

в) нодир тош хом ашёси намуналарини, палеонтологик қолдиқларни ва бошқа геологик коллекциябоп материалларни тўплаш учун — икки йилгача муддатга берилади.

Рўйхатнинг 43-бандида назарда тутилган *Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг олиб ўтилишига рухсатномаси ҳам муддатли характерига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 октябрдаги “Аққиз солигига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-703-сон қарорининг 2-бандида* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг олиб ўтилишига рухсат бериш тўғрисидаги қарорининг амал қилиш муддати қарор қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан олти ойни ташкил этади* деб белгиланган.

### **10.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, унинг амал қилиш муддатини узайтириш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаши тегишли ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган юридик шахс ёки якка тартибдаги тад-



биркорнинг ҳуқуқини тугадини билдиради. Шу билан боғлиқ ҳолда Қонуннинг 15-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, у тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Ушбу норма *“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида* назарда тутилган фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби билан аналогия бўйича қўйилган.

Рухсатномани амал қилиш муддатини узайтиришга аниқ мисол тарикасида юқорида келтирилган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 41-бандини келтириш мумкин, унга кўра ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берган органга йўлланган аризаси бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лицензияда белгиланган шартлар бажарилганда ва ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини тугаллаш, шунингдек фойдали қазилмалар конларини ишга тушириш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёхуд фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналарини ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарур бўлганда ер қаъридан фойдаланиш муддати тамом бўлишидан олти ойдан кечикмай узайтирилиши мумкин.

Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ваколатли органга мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар топширилиши керак. Шунга кўра, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришнинг мавжуд тартиби тадбиркорлик субъекти ўз вақтида тегишли аризани зарур барча ҳужжатларни илова қилганда ҳолда топшириши ҳисобланади. Ўз вақтида дейилганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар бўлган муддат тушунилади. Акс ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш имконсиз бўлиб қолади, чунки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат мавжуд бўлмайди ва тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш лозим бўлади (узайтириш эмас).

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги айрим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда *“ариза рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар топширилиши керак”* деган қоида белгилаш билан чекланмасдан, балки тадбиркорлик субъекти тегишли рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни узайтириш ҳақидаги аризани топшириши керак бўлган конкрет муддат белгиланган. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандига* мувофиқ рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддатини узай-

тириш тўғрисидаги ариза ишчи органга рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддати тамом бўлишидан камида 15 кун олдин берилиши керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади, яъни тадбиркорлик субъекти ваколатли органга Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган барча зарур ҳужжатларни топшириши керак. Масалан, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сифатида фақат тадбиркорлик субъектининг ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек мавжуд бўлмаслиги ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар белгиланиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилади ва тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатлар “бир дарча” орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Қонуннинг 15-моддасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади деган норманинг мавжудлиги, ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни узайтирини рад этиш ваколатига ҳам эга эканлигини билдиради. Бунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад қилишнинг асослари бўлиб, фақат Қонуннинг 20-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги аниқланган ҳолатларда ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиши шарт.

Қонуннинг 15-моддасида мустаҳкамланган нормалардан келиб чиқиб, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ваколатли органга мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар топширилиши керак, тадбиркорлар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани топшириш муддатни ўтказиб юбориш ушбу аризани қаноатлантиришни рад қилишга асос бўлади.

#### **10.4. Агар рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур хужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуқ**

Қонуннинг 15-моддаси агар рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, рухсат беришга доир талаблар ва шартларга тегишли равишда риоя этган тадбиркорлик субъекти мазкур хужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлиши назарда тутилган. Шу билан бир қаторда, 16-моддада рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда агар рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур хужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби бўлиши лозим деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 46-бандига мувофиқ углеводородлар, кимматбаҳо ва нодир металллар конларини, бошқа фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш, фойдали қазилмаларнинг кўрсатиб ўтилган турларини кавлаб олиш, шунингдек таркибида рудали фойдали компонентлар мавжуд бўлган техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар очик кимошди савдолари натижалари бўйича берилади.

Мазкур *Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга* мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш муддати ер қаъридан фойдаланувчининг ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берган органга йўлланган аризаси бўйича ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лицензияда белгиланган шартлар бажарилганда ва ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини тугаллаш, шунингдек фойдали қазилмалар конларини ишга тушириш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш ёхуд фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналарини ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ёки консервация қилиш ишларини амалга ошириш зарур бўлганда ер қаъридан фойдаланиш муддати тамом бўлишидан олти ойдан кечикмай узайтирилиши мумкин.

## **11-БОБ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИДАН ЎТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ҲОЛЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИНИНГ РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРИЗАСИНИ КЎРИБ ЧИҚҚАНЛИК УЧУН, РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ҲУЖЖАТНИ БЕРГАНЛИК ЁКИ УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРГАНЛИК УЧУН ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ**

### **11.1. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим.**

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белги-ланган ҳолларда ва миқдорларда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Кодекснинг ушбу моддасига мувофиқ бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар қиради: 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажрат-малар; 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар; 2<sup>1</sup>) бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, ака-демик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар; 3) давлат божи; 4) божхона тўловлари; 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексидagi бошқа мажбурий тўловлар категориясига киритилмаган. Мазкур йиғимлар *Солиқ кодексининг 326-моддасида* назарда тутилган давлат божлари тушунчасига ҳам тушмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки бундай йиғимларни ундириш амалиёти айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган.

“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлиги учун йиғим ундиради.

## **11.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йиғим миқдори**

Қонуннинг 17-моддаси келажакдаги рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чикувчиларига ушбу низомларда тадбиркорлик субъектлари тўлаши лозим бўлган йиғимларнинг миқдори аниқ белгиланишини лозимлигига йўналтиради. Ваколатли орган томонидан тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдорини белгилашда Қонуннинг 17-моддасидаги йиғим миқдори ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қилган харажатлари доирасида белгиланади деган нормасига асосланади.

Бошқа сўзлар билан айтганда, йиғим ундириш орқали ваколатли орган улар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижасида амалда кетган фактик моддий харажатлари қопланади. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланадиган йиғим миқдори тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқишдаги вужудга келадиган харажатлар ҳисоб-китоби билан тасдиқланиши лозим.

Масалан, *Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига мувофиқ портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома (портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 188-бандида назарда тутилган) олиш учун ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ариза кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади. Низомнинг 22-бандига мувофиқ портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомда ҳам шундай йиғим назарда тутилган. Ушбу Низомнинг 78-бандига мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан буюртманома кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади.*

### **11.3. Тегишли йиғим суммалари ваколатли органларнинг ҳисобварағига ўтказилиши**

*Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратилиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 62-сон қарорининг 1-бандида*

2010 йил 1 апрелдан бошлаб вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари белгиланди.

Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик, ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим суммалари ваколатли органларнинг ҳисобварағига ўтказилади. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомнинг 78-бандига мувофиқ ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш юзасидан буюртманома кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензия беришга ваколатли орган ҳисобига ўтказилади.

### **11.4. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида тақдим этган аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмаслиги**

Қонуннинг 17-моддаси кўра тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида тақдим этган аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Шарҳланаётган моддада ўрнатилган тартиб, тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида тақдим этган аризасидан воз кечганига қарамасдан ваколатли орган ушбу аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ моддий ҳаражатларни сарф қилганлиги нуқтаи назаридан мутлақ асосли ҳисобланади. Ваколатли органнинг ушбу ҳаражатлари ҳар қандай ҳолатда ҳам қопланиши лозим.

Қонуннинг 15-моддасида ҳам ўхшаш норма мустақкамланган, унга кўра лицензия даъвогари берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

### **11.5. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги айрим низомларда тегишли йиғимларни тўлаш зарурияти мавжуд эмаслиги**

Қонуннинг 17-моддасидан келиб чиқиб, айрим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимларни ундириш назарда тутилмаслиги мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар кўрсатилган рўйхатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар орасида тадбиркорлик субъектининг уларни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар белгиланмаган.

Шундай ҳужжатларга мисол тариқасида куйидагиларни келтириш мумкин: суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома (Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга қаранг)

қонунчиликда белгиланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капитал) акцияларни (улушларни) олиш учун олдиндан розилигини олиш (Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулккий ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисидаги низомга қаранг) ва бошқалар.

## **12-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИНГ ДУБЛИКАТИНИ БЕРИШ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ**

### **12.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, уни дубликатини бериш**

Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган ариза, шунингдек ҳужжат яроқсиз ҳолга келган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда агарда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликати берилганлиги учун тадбиркорлик субъекти томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда тадбиркорлик субъекти унинг дубликатини олиш ҳуқуқига эга. Масалан, *Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандига мувофиқ қайта ташкил этишга рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурталовчининг аризасига кўра унинг дубликати берилади. Мазкур Низомнинг 20-бандида* ваколатли орган қайта ташкил этишга рухсатнома дубликатини ариза олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ортик бўлмаган муддатда, шунингдек қайта ташкил этишга рухсатноманинг асл нусхасини — у яроқсиз ҳолга келган тақдирда беришга (юборишга) мажбур.

Дубликатни бериш тўғрисидаги нормалар фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги қонунчиликда ҳам мавжуд. Жумладан, “*Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида*”ги Қонуннинг 18-моддасида лицензия йўқолган тақдирда, лицензиатнинг аризасига биноан унинг дубликати берилади.

### **12.2. Рухсат этиш хусусиятига ҳужжатнинг дубликатини бериш учун йиғим**

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини берганлик учун тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санадаги ҳолатга кўра, тўланадиган



сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилиши мумкин. Йиғим суммаси ваколатли органлар ҳисобварағига ўтказилади. *Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш тўғрисидаги тадбиркорлик субъектининг аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш учун йиғимни тўлов тўғрисида батафсил мазкур қўлланманинг 11-бобида изоҳланган.*

Қонуннинг 21-моддасини мазмунидан келиб чиқиб, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликати берганлик учун йиғим назарда тутилмаслиги ҳам мумкин. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун бериладиган рухсат этиш хусусиятига ҳужжатнинг турининг хусусиятига ҳамда ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликати бериш билан боғлиқ ҳаражатларига боғлиқ.

Масалан, юқоридаги Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомда қайта ташкил этишга рухсатнома дубликати берилганлиги учун ваколатли орган томонидан йиғим ундирилмаслиги назарда тутилган.

### **12.3. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш**

Қонуннинг 24-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш назарда тутилган. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тадбиркорлик субъектига соддалаштирилган тартибда янги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришдир. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш зарурияти доимий эмас, балки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда ёхуд жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган ҳолларда юзага келади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш белгиланган ҳолларда ихтиёрий тартиб-таомил эмас, балки тадбиркорлик субъектининг мажбуриятидир. Юқоридаги ҳолатларда тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани ва кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Ундан ташқари, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда ёки юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жой-

лашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга хабор қилиш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларидан бири ҳисобланади.

### *12.3.1. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг ўзгартирилиши*

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириш учун биринчи асос сифатида Қонуннинг 24-моддасида юридик шахснинг ўзгартирилиши назарда тутилган. *Ўзбекистон Республикасини Фуқаролик кодексининг 50-моддасида* юридик шахсни ўзгартириш тушунчасига унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш сифатида изох берилади. Ўзгартиришга мисол тариқасида акциядорлик жамиятидан маъсулияти чекланган жамиятига, маъсулияти чекланган жамиятдан хусусий корхонага ўзгартиришни келтириш мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасига* мувофиқ юридик шахсни ўзгартириш юридик шахсни қайта ташкил этишнинг бир шакли бўлиб, унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ўзгартирилган ҳолда янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 50-моддасига мувофиқ бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

### *12.3.2. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгариши*

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириш учун кейинги асос сифатида Қонуннинг 24-моддасида юридик шахснинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгариши назарда тутилган.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддасига* мувофиқ юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. “*Фирма номлари тўғрисида*”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи

бўлиб, унга доир мутлак ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади. Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги Фармони* билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига қуйидагилар киради: 1) корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас; 2) корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий, юридик шахс бўлиши шарт; 3) хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур. Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шахар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳуқуқни тадбиқ қилиш амалиётида тегишли юридик шахс улар ташкил этилган вақтдан маълум муддат ўтгандан сўнг кейинчалик хорижий сармоялар иштирокидаги корхона мақомини олиши мумкин ёки аксинча хорижий сармоялар иштирокидаги корхона сифатида тегишли ташкилот келажакда ушбу мақомини йўқотиши мумкин. Масалан, қайсидир маъсулияти чекланган жамият ўз муассислари таркибига хорижий сармоядорни жалб этиши ва устав фондини тегишли равишда орттириш натижасида қўшма корхона мақомини олиш мумкин. Ушбу ҳолатда савол туғилади “Ушбу жамият номига унинг мақомини кўрсатувчи қўшма корхона қўшиш Қонуннинг 24-моддаси маъносидаги номига ўзгартириш киритиш ҳисобланадими?”.

Демак, адлия органларида мазкур жамиятнинг қайта расмийлаштириш натижасида унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномадаги номини ўзгариши билан боғлиқ ҳолда, (ушбу ном энди унинг қўшма корхона сифатидаги мақомини кўрсатувчи ҳам бўлади) мазкур жамият ваколатли органга унга илгари берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириши шарт.

Шуни таъкидлаш лозимки, *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатиغا олиш ва ҳисобга қўйишининг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33-бандига* мувофиқ тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органи томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб, почта алоқаси орқали ёки интернет тармоғи орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1) ариза;

2) тадбиркорлик субъектининг ваколатли бошқарув органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

3) ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

4) давлат божини белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлови ҳужжати;

5) номи ўзгарган тақдирда — давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ва фирма номининг захирага олинishi тасдиғи, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штампнинг икки нусхадаги эскизи;

Низомнинг юқоридаги бандига мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилади. Тегишли ҳолларда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги янги гувоҳномани бериш билан биргаликда, тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати 2 иш кунини ташкил қилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда ҳам ўхшаш нормалар мустаҳкамланган.*

Юридик шахснинг жойлашган жойини(почта манзили) ўзгариши ҳақида тўхталганда, *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддасига* мувофиқ юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади.

Кодекснинг ушбу моддасига боғлиқ юридик шахс почта манзилига эга бўлиши лозим, юридик шахс ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 36-бандига* мувофиқ тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бунда давлат божи олинмайди. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олгандан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати ва давлат статистика органларини хабардор қилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда ўхшаш нормалар мустаҳкамланган.*

*12.3.3. Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгариши*

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгаришини Қонуннинг 24-моддаси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштиришнинг асоси сифатида белгилайди.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 19-моддасига мувофиқ фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 227-моддасига мувофиқ фамилия, исм ва ота исми ўзгартирилганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркорга берилган уни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномада фаолият амалга ошириладиган жой кўрсатилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркор унга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Рўйхатдан ўтказувчи органлар хабарномани олган пайдан бошлаб икки кун муддатда ушбу ўзгариш ҳақида давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказувчи ва давлат солиқ хизмати органлари кўрсатиб ўтилган ахборотни олганларидан кейин уч кун муддатда яқка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида ёзма равишда хабар беришлари шарт.*

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида

## ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами \_\_\_\_\_ № 0000000  
\_\_\_\_\_ й \_\_\_\_\_ .

Якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғининг  
фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_

Паспортнинг серияси \_\_\_\_\_ тартиб рақами \_\_\_\_\_  
томонидан \_\_\_\_\_ й \_\_\_\_\_ .  
да берилган  
Уй манзили \_\_\_\_\_

Амалга ошириладиган фаолият тури: \_\_\_\_\_

**Фаолият амалга ошириладиган жой:** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ й \_\_\_\_\_ гача амал қилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами коди \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** \_\_\_\_\_

Сурат ўрни

**М.Ў.**

**Инспекция бошлиғи** \_\_\_\_\_

(имзо)

*Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши, ҳисобга қўйиши ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириши тартиби тўғрисидаги низомнинг 75-бандида ҳам ушбу норма ўрнатилган.*

#### **12.4. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириш муддати**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириш муддати қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунидир. Қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кунлик муддат ҳисобланиши Қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган юридик фактлардан ҳар қандай бириси юз бериши жисмоний ва юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларига қайта рўйхатдан ўтиш зарурияти келиб чиқиши билан асосланади. Буни тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормалари ҳам тасдиқлайди.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани янги юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгандан кейин етти иш куни давомида топшириши шарт. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти номи ўзгарган ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани ўзининг таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалари давлат рўйхатидан ўтгандан кейин етти иш куни давомида топшириши шарт. Ва ниҳоят, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани давлат рўйхатидан ўтказувчи органларига бу ҳақда ёзма хабар берилгандан кейин етти иш куни давомида топшириши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарлари ёзувларига тегишли ўзгартишлар киритганидан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга тегишли аризани топшириши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтказувчи ва давлат солиқ хизмати органлари якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ҳақида ёзма равишда хабар берганларидан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириши шарт.

## **12.5. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ваколатли органга ҳужжатларни тақдим қилиниши**

Қонуннинг 24-моддаси тадбиркорлик субъекти ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани ушбу моддада ўрнатилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш асосларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шартлигини белгилайди.

Жумладан, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти у ўзгартирилган ҳолда, номи ёки жойлашган жойи(почта манзили) ўзгарган ҳолда ваколатли органга рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаси, давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, рўйхатдан ўтказган органларга жўнатилган жойлашган жойи ўзгарганлиги тўғрисида хабарнома нусхаси тақдим қилиши лозим.

Мазкур ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Бунда тадбиркорлик субъектидан Қонуннинг 24-моддасида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

## **12.6. Ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва уни бериш муддати**

Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бериш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Демак, кўрсатилган муддатда тегишли ваколатли орган нафақат рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган тегишли ҳужжатларни кўриб чиқишга улгуриши, балки қайта расмийлаштирилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ҳам керак.

Шу билан боғлиқ ҳолда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунига қадар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўр) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси қўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.



Демак, Қонуннинг 24-моддасида жуда муҳим қоида ўрнатилган, ушбу қоидада кўра рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунига қадар, тадбиркорлик субъекти амалда олдин берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида фаолият юритиши мумкин. Шунинг учун, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш муддати давомида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) муайян фаолиятни бажарилиши ва(ёки) амалга оширилиши қонуний деб топилиши лозим.

### **12.7. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш учун йиғим**

Қонуннинг 24-моддасида мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштирганлик учун тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топширилган санадаги ҳолатга кўра, тўланадиган сумманинг яри миқдоридан йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органлар ҳисобварағига ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз, йиғим миқдори ваколатли орган томонидан тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдорини Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қилган харажатлари доирасида белгиланади.

*Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш тўғрисидаги тадбиркорлик субъектининг аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш учун йиғим тўлови тўғрисида батафсил берилган мазкур қўлланманинг 11-бобида қаранг.*

Қонуннинг 24-моддасида шунингдек рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда айрим рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш учун йиғим ундириш назарда тутилмаслиги мумкинлиги белгиловчи ҳолат ҳам бор. Ушбу йиғимни ундириш ҳаракатни ва (ёки) муайян фаолиятни бажарилиши ва амалга оширилиши учун берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат турининг хусусиятига, шунингдек ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлари билан боғлиқдир.

### **12.8. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш талабларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ бажарилиши ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олиш лозим бўлган ҳаракатни ва (ёки) муайян фаолиятни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари

талабларини бузган ҳолда бажариш ва амалга ошириш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

*Мазкур қўлланманинг 14-бобида бу ҳақида батафсил изоҳланган.*

### **12.9. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилганда, берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига тегишли ўзгартишлар киритиш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига тегишли ўзгартишлар киритади. *Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.* Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги асосий маълумотлар (тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони, тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортига оид маълумотлар, почта манзили, телефони);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган сана ва уларнинг тартиб рақами;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштиришнинг, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун), амал қилишни тўхтатиб туриш ва тиклаш;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишни тўхтатиш учун асос ва сана;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бекор қилишнинг асоси ва санаси;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг дубликатларини беришнинг асоси ва санаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган бошқа маълумотлар.

## **13-БОБ. РУХСАТ ЭТИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА ХУЖЖАТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТУГАТИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **13.1. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари**

Қонуннинг 22-моддаси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби ва асосларини белгилайди. Ушбу моддага мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари куйидагилар саналади: 1) рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланиши; 2) тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори бажарилмаганлиги.

Юқоридаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш асослари рўйхати тугал саналади, шунга қўра муайян рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришнинг қўшимча асослари белгиланиши мумкин эмас.

#### *13.1.1. Тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат беришга доир шартлар ва талабларни бузиш ҳолатларини аниқлаш*

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб туришнинг биринчи асоси сифатида рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлигининг аниқланиши кўрсатилади. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ рухсат беришга доир талаблар ва шартлар — рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндисини билдиради. Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат беришга доир талаблар ва шартлар бўлиши лозим.

Мазкур қўлланманинг 7-бобида таъкидланганидек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларга куйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда қонун ҳужжатларига мажбурий тартибда риоя қилиш;
- 2) жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда ёки

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш кун ичида ваколатли органга хабор қилиш;

3) тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларига, шунингдек экологик, санитар-гигиеник ва бошқа норма ва қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилиш;

4) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларда кўрсатилган доирада ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш;

Ваколатли органлар тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат беришга доир шартлар ва талабларга риоя қилишини текшириш давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат беришга доир шартлар ва талабларини турли хил бузиш ҳолатларини аниқлашади. Юқорида санаб ўтилган рухсат беришга доир шартлар ва талабларини бузиш Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга асос бўлиб ҳизмат қилади.

### *13.1.2. Тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорини бажармаслик*

Тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорини бажармаслига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга иккинчи асос бўлади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тўхтатиб туришнинг ушбу асосини муҳокама қилишда бир қанча саволлар юзага келиши мумкин. Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ агарда рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланганда ваколатли орган ёки суд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тўхтатиб туриш ваколатига эга, агарда тадбиркорлик субъекти ваколатли орган томонидан белгиланган муддатда тегишли рухсат беришга доир шартлар ва талабларни бузилиш ҳолатларини бартараф этмаган тақдирда. Мазкур тўхтатиб туришга асос мантқан тадбиркорлик субъектлари бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаб ва шартлар бузганлигидадир. Ваколатли орган мустақил равишда тадбиркорлик субъектига берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тўхтатмасдан ёки судга ушбу ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ариза билан мурожаат қилмасдан, тадбиркорлик субъектига йўл қўйилган камчиликларни тузатиш имкониятини беради.

Ҳақат агарда тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларини бузишга йўл қўйган тадбиркорлик субъекти, шу билан бирга яна

ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоида-бузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори бажармаганда, бу бундай кейин тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатни бажариш ва муайян фаолиятни амалга ошириш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин. Қонуннинг 4-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, ушбу салбий хавф тадбиркорлик субъектлари ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат тартиб-таомилини жорий қилишга сабаб саналади.

### **13.2. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилиши, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно**

*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 42-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига нисбатан фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш фақат суд тартибида қўлланилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно.*

Қонуннинг 22-моддасига кўра рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно.

*Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 203-боби нормаларига мувофиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар асосида, ушбу бобда белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилади.*

*Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>14</sup>-моддасига мувофиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза хўжалик судига ёзма шаклда берилади ва аризачи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризада кўрсатилган бўлиши керак: ҳуқуқбузарлик фактини аниқлаган назорат қилувчи органнинг номи; аризада қўйилган талабга асос бўлган ҳолатлар; аризада қўйилган талабнинг асосларини тасдиқловчи далиллар; хўжалик судига мурожаат қилишга асос бўлган ташкилот ёки фуқаронинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқалар.*

Хукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати *Хўжалик процессуал кодексида* ўрнатилган. Хусусан, *Кодекснинг 155<sup>15</sup>-моддасига* мувофиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш тўғрисидаги аризага, кодекснинг 114-моддасида назарда тутилган ҳужжатлардан ташқари, таъсис ҳужжатларининг ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхалари; ташкилот ёки фуқаро томонидан норматив-хукукий ҳужжатлар талабларининг фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш учун асос бўладиган тарзда бузилганлигини тасдиқловчи далиллар каби ҳужжатлар илова қилиниши керак.

*Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>17</sup>-моддасига* мувофиқ хукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак. *Кодекснинг 155<sup>16</sup>-моддасига* мувофиқ хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда хўжалик суди мажлисида: ҳуқуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва хукукий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди. Шунинг таъкидлаш лозимки, хукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими тузилишига йўл қўйилмайди. Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди хукукий таъсир чорасини қўллаш ёки арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорни қабул қилади.

*Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>18</sup>-моддасига* асосан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича хўжалик суди хукукий таъсир чорасини қўллаш ёки арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарорни қабул қилади. Хукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида хукукий таъсир чораси қўлланилган шахснинг номи ва хукукий таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлган норматив-хукукий ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

Шунинг таъкидлаш керак, хўжалик суди рұхсат этиш ҳусусиятига эга ҳужжатни амал қилиши тўхтатиб туриш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг

хулоса қисмида тўхтатиб туриладиган муддат; рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиши тўхтатиб туриладиган муддат; амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган, шунингдек бекор қилинган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг номи, рақами, берилган санаси ва бошқа реквизитлари ҳақидаги ҳамда ушбу хужжатни берган орган тўғрисидаги маълумотлар; фаолият қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб турилаётганлиги бўлиши шарт.

*Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>18</sup>-моддасига* мувофиқ, хўжалик судининг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикоят (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда хўжалик судининг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ваколатли орган томонидан бевосита амалга ошириладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ваколатли органнинг тегишли қарори шаклида расмийлаштириши керак.

### **13.3. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорнинг мазмуни ва шаклига қўйилган талаблар**

Қонуннинг 22-моддаси рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарорини мазмуни ва шаклига қўйилган талабларни белгилайди.

Масалан, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарорининг шаклини Қонуннинг 22-моддаси белгилайди, унга кўра мазкур қарор тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда етказилади. Бошқача сўз билан айтганда ушбу қарор зарурий реквизитларга эга бўлган расмий хужжат шаклида расмийлаштирилиши лозим.

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарорини мазмунини Қонуннинг 22-моддаси учинчи қисми тартибга солади ва унга кўра рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонун хужжатларининг нормалари аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Масалан, агарда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни амал қилишини тўхтатиб туришга асос рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланганда, ваколатли органнинг тегишли қарорида қуйидагилар бўлиши керак:

1) рухсат бериш тартиб-таомиллари ўтиш тўғрисидаги низомларда белгиланган рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан риоя қилинмаганлиги тўғрисида маълумот;

2) қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола;

3) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қабул қилинган тегишли қарорнинг асослиги ва қонунийлиги тўғрисида маълумот.

Қисқача айтганда ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришнинг қонунийлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажариш ва амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда рухсат беришга доир талаблар ва шартларига тадбиркорлик субъектларининг риоя қилишини ваколатли орган томонидан текшириш натижасида улар томонидан аниқланган ҳолатларни ҳисобга олиши шарт. Тадбиркорлик субъектлари ҳатти-ҳаракатларининг рухсат беришга доир талаб ва шартларга қандайдир шаклий номувофиқлиги ваколатли орган томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш учун, шунингдек суд томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор чиқариш учун судга ишни ўтказишга асос бўла олмайди.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд қарорининг мазмуни ҳақида шуни таъкидлаш керак, хўжалик судининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тўхтаб туриладиган муддат; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб туриладиган муддат; амал қилиши тўхтатиб турилган ёки тугатилган, шунингдек бекор қилинган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг номи, рақами, берилган санаси ва бошқа реквизитлари ҳақидаги ҳамда ушбу ҳужжатни берган орган тўғрисидаги маълумотлар; фаолият қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб турилаётганлиги кўрсатилиши керак.

#### **13.4. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектига етказиш муддати**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарорини тадбиркорлик субъектига етказиш муддатини аниқлаштириб, Қонуннинг 22-моддаси ушбу қарор тадбиркорлик субъектига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай, етказилишини белгилайди.

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.



*Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>13</sup>-моддасига* асосан фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш ҳукукий таъсир чоралари ҳисобланади, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно. Бунда *Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>18</sup>-моддасига* мувофиқ ҳукукий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

### **13.5. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш оқибатлари**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб туриш юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор фаолиятини тугатишга олиб келмайди, агарда тегишли ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш тадбиркорлик субъекти учун ягона фаолият тури ҳисобланмаса. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб туриш тегишли ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишни муайян муддат давомида фақат тақиқлашни билдиради. Шундай қилиб, тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли орган ёки суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорини қабул қилиб олгандан кейин тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган фаолият ва (ёки) ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган фаолиятини амалга оширишни давом қилдириши мумкин.

### **13.6. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф қилиниши муддатини белгилаш**

Қонуннинг 22-моддаси бешинчи қисми рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш билан биргаликда тадбиркорлик субъектига ваколатли орган ёки суд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф қилиниши муддатини белгилаши шартлигини белгилайди.

Ушбу муддат тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланади. Шундай

қилиб, ваколатли орган ёки суд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф қилиниши муддатини мустақил равишда белгилашига қарамасдан, тадбиркорлик субъектига ушбу ҳолатларни бартараф қилиш учун берилиши мумкин бўлган ушбу муддатни белгилашда улар энг камида беш иш кунлик муддат билан чекланган.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ваколатли органни бу ҳақда барча зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор этади. Қонуннинг 22-моддаси олтинчи қисмида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тадбиркорлик субъекти томонидан жўнатилган тасдиқномани ваколатли орган томонидан кўриб чиқишнинг аниқ муддати белгиланган. Мазкур қисмга мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф этилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан беш иш куни ичда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Қонуннинг 22-моддаси олтинчи қисми амалда тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқномани ваколатли органга тақдим қилиш мажбуриятини юклайди. Албатта, мазкур тақдимномани юбориш мажбурияти тадбиркорлик субъектининг манфаатларига асосланади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган ёки суд расмий ҳужжат шаклида расмийлаштириладиган ва зарурий реқвизитларга эга тегишли қарор қабул қилиши шарт.

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда қонуннинг 23-моддаси нормаларига мувофиқ у учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугаши шаклидаги салбий оқибатларга олиб келади.

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш суд томонидан амалга оширилади. Ушбу ҳолатда ваколатли орган судга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

### **13.7. Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш**

Қонуннинг 22-моддаси еттинчи қисмига мувофиқ ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Шикоят қилиши ҳуқуқи ваколатли орган ёки суднинг қарори, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ни ушбу қарордан норози бўлган тадбиркорлик субъекти талаби бўйича қонунийлигини текширишни амалга оширишни билдиради.

Қонуннинг 22-моддаси еттинчи қисмига асосан юридик ва жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан маъмурий тартибда (ушбу тартиб бўйсунув тартибидаги юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилишни билдиради) ҳам суд тартибида (шикоят ишларни судловлигини инобатга олган ҳолда ҳўжалик судлари орқали амалга оширилади) шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

*Мазкур қўлланманинг 14-бобида шикоят қилиш тартиби ҳақида батафсил маълумот берилган.*

### **13.8. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб турилишини суд томонидан асосиз деб топиш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асосиз деб топилган тақдирда, ваколатли орган тадбиркорлик субъекти олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлишини белгиллаган норма *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 15-моддаси* нормаларидан келиб чиқади. Ушбу моддага асосан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ваколатли орган қарори устидан шикоят қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат қилишда тадбиркорлик субъектлари ушбу аризага ушбу қарорнинг амал қилиши тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома

хам киритишлари керак. *Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига* мувофиқ хўжалик судлари давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни ҳал қилади.

### **13.9. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш асослари**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тегишли рухсатнома берилган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишни тугатиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш мажбуриятини бажармаслик ҳолатида зарарларни қоплаш каби тадбиркорлик субъектлари учун салбий оқибатларга олиб келади.

Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юрidik шахс бўлган тадбиркорлик субъекти тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш нагжасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, агар мазкур қоидабузарликлар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келган бўлса. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатилишига асос бўладиган қўпол қоидабузарликларнинг рўйхати рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилади;

тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганда; бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган бир маргалик ҳаракат бажарилганда.

*13.9.1. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиши*

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг биринчи асоси тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиши ҳисобланади. Ушбу ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тадбиркорлик субъекти ўз иродасининг ифода қилиш натижаси ҳисобланади.

*13.9.2. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижасида фаолиятини тугатиш, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно*

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг иккинчи асоси юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти тугатиш(ушбу ҳолатда рухсат этиш хусусиятига ҳужжат юридик шахс тугатилган пайтдан эътибор тугатилади) ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатиш (юридик шахснинг қайта ташкил этилган ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши у қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан тугатилади) кўрсатилади, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно.

Юридик шахс тугатилганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига* мувофиқ юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келишига асосланади. *Кодекснинг 55-моддасига* мувофиқ юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиб қўйилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг фаолияти эса тугаган ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу реестрга тегишли ёзув киритилгандан муддатдан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугаган ҳисобланиши керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини фаолияти уни қайта ташкил этиш натижасида ҳам тугатилиши мумкин. Қайта ташкил этиш шакллари сифатида *Фуқаролик кодекси 49-моддаси* қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартиришларни келтиради. Қонуннинг 23-моддаси юридик шахсни қайта ташкил этишнинг ўзгартириш каби шаклини рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишга асос сифатида

белгиламайди. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини ўзгартириш Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

*Кодексинг 49-моддасига* мувофиқ қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш каби шаклларда қайта ташкил этиш натижасида юридик шахс фаолиятини тугатилганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тугатилади, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида юридик шахснинг фаолияти тугатилганда эса рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб тугатилади.

### *13.9.3. Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиши*

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилиши Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишига асос ҳисобланади. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига* мувофиқ рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига бу тўғрида ёзувлар қайд этилгандан кейин тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

Юқорида келтирилган *Низомнинг 54-бандига* мувофиқ тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш унинг рўйхатдан ўтказган органга тақдим этган аризаси асосида амалга оширилади. Аризага барча лицензиялар (рухсатномалар) нинг асл нусхалари, агар улар мавжуд бўлса илова қилинади.

Давлат реестрига тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилгандан кейин рўйхатдан ўтказган орган бир ҳафта муддатда лицензия ва рухсатномаларни (улар мавжуд бўлганда) уларни берган органларга топширади.

*13.9.4. Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда*

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этиши, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланиши, у муомалага лаёқатсиз деб топилиши рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кейинги асосидир.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 17-моддасига* асосан фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. *Кодекснинг 36-моддасига* мувофиқ агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин. Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни деб ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни деб топиши мумкин. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борсида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

Шуни таъкидлаш керакки, ўлим каби фуқаролик ҳолати далолатномалари давлат рўйхатидан ўтиши керак. *Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 223-моддасига* мувофиқ ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан ўлимни қайд этиш мазкур қарорни чиқарган суд жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилади. Ўлимни қайд этиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ёки суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори, шунингдек марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Демак, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кўриб чиқётган асоси бўйича жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этган кундан, агарда жисмоний шахс суд томонидан вафот

этган деб эълон қилинган ҳолатда суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун тугатилади.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 31-моддасига* мувофиқ спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади. Ушбу ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган кундан тугатилади.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30-моддасига* мувофиқ рухий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни уни васийи амалга оширади. Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади. Шундай қилиб, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти муомалага лаёқатсиз деб топилганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кирган кундан тугатилади.

*13.9.5. Тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузиш, агар мазкур қоидабузарликлар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келса*

Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузиш, агар мазкур қоидабузарликлар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келса рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кейинги асоси сифатида белгиланади.

Мазкур моддада “рухсат беришга доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда бузиш” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи бевосита мавжуд бўлиб, унга кўра рухсат беришга доир талаблар ва шартларни икки ва ундан ортиқ маротаба бузиш тушунилади. Бу тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя



қилиш учун ва ваколатли органлан томонидан мазкур тушунчани кайфий шархлашнинг олдини олиш бўйича муҳим кафолат ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат беришга доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда бузиш рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир неча бор бузишни балки эмас, ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бузганлиги бўйича аниқланган бир неча фактларни билдиради. Бошқа сўз билан айтганда агарда рухсат беришга доир талаб ва шартларга тадбиркорлик субъектининг роя қилишини текшириш натижаси бўйича ваколатли орган бир неча бузишларни (рухсат беришга доир бир талабни ёки бир неча талабни) аниқласа, бу рухсат беришга доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда бузиш ҳисобланмайди.

Ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни мунтазам равишда бузишга йўл қўйганлиги тўғриси фикри илгари бир ёки бир неча бор бузилганлигини аниқланганлигини тасдиқловчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат(ҳужжатларнинг) (булар юқорида келтирилганидек текшириш далолатномаси ва текшириш натижасида аниқланган камчиликларни баргараф этиш мажбуриятини юкловчи қарор) мавжуд бўлмаса асоссиздир. Чунки ваколатли орган томонидан илгари қабул қилинган юридик аҳамиятга эга ҳужжатлар билан исботланмаган. Ундан ташқари рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши кўриб чиқаётган асосимиз бўйича, агарда ваколатли орган томонидан тегишли қоидабузарликлар бир йил давомида аниқланган бўлсагина тугатиш мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, Қонуннинг 23-моддасига асосан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатилишига асос бўладиган кўпол қоидабузарликларнинг рўйхати рухсат бериш тартиб-таомилларида ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилади.

Қонуннинг 23-моддаси доирасида шуни таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда ёки бир маротаба кўпол равишда бузиш, агар мазкур қоидабузарликлар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келган бўлсагина рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатилишига асос бўлади.

*13.9.6. Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда баргараф этмаслик*

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда баргараф этмаслик рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кейинги асоси ҳисобланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тугатишнинг ушбу асоси Қонуннинг 22-моддаси нормаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектига ваколатли орган ёки суд рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан баргараф қилиниши муддатини белгилаши шартлигини белгилайди. Ушбу муддат тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги кераклиги белгиланади.

### *13.9.7. Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлигини аниқлаш*

Қонуннинг 23-моддаси рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кейинги асоси ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқлашини назарда тутади. Ушбу ҳолатда ваколатли орган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим қилинган қалбаки хужжатларга асосланиб чиқарган бўлса унда ваколатли органнинг ушбу қарори ноқонуний ҳисобланади. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги қарор ваколатли орган ходимлари томонидан бевосита сохта хужжатларни аниқланган ҳолатларда ҳам ноқонуний бўлади.

### *13.9.8. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддатининг тугаши*

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тугатишнинг кейинги асоси унинг амал қилиш муддатини тугаши ҳисобланади. Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар уларнинг амал қилиш муддати чекланмасдан берилади. Шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга айрим хужжатларга нисбатан амал қилиш муддатлари белгилаб қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Агар рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжатнинг муддати тугаши бўйича, тадбиркорлик субъекти томонидан унинг амал қилиш муддати узайтириш тўғрисида мурожаат қилинмаган бўлса, унда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиши тугайди.

### *13.9.9. Бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжат берилган бир марталик ҳаракатнинг бажарилиши*

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилишини тухтатиб туришнинг охириги асоси бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга хужжат

берилган бир марталик ҳаракат бажарилиши ҳисобланади. Ушбу асос фақат тадбиркорлик субъекти ёки унинг ворисининг иродасини ифодалашга боғлиқ.

### **13.10. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг объектив ва субъектив асослари**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш асосларини рухсатнома амал қилишини тугатишнинг объектив ва субъектив асосларга ажратиш мумкин. Объектив хусусиятларга эга асосларга хусусан юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларини тугатиш ва қайта ташкил этиш натижасида уларнинг фаолиятини тугатиш, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш, жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этиши, унинг муомалага лаёқатлиги белгиланган тартибда чеклаш, у муомалага лаёқатсиз деб топиш, бажариш ва (ёки) амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган ҳаракатни ва (ёки) муайян фаолиятни тугатиш кабилар киради. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишини тугатишнинг субъектив асослари бўлиб тадбиркорлик субъектларининг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади, масалан, тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ мартаба) ёки бир мартаба қўпол равишда бузишлар каби.

Булардан келиб чиқиб, Қонуннинг 23-моддаси юқорида келтирилган объектив характерга эга асослар (Қонуннинг 23-моддаси биринчи қисми учинчи, тўртинчи, бешинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар) юзага келиши билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ўз-ўзидан амал қилиши тугатилади. Ушбу ҳолатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни берган ваколатли орган томонидан унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши талаб қилинмайди. Қонуннинг 23-моддаси биринчи қисми биринчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда яъни тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши ваколатли орган томонидан тугатилади.

Шу билан бирга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш учун тадбиркорлик субъектларининг (Қонуннинг 23-моддаси биринчи қисми олтинчи ва еттинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар) ёки ваколатли орган ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) (Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисми саккизинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар) билан боғлиқ тегишли субъектив характерга эга ҳолатлар асос бўлса, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши суд қарори билан тугатилади.

### **13.11. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни тадбиркорлик субъектига етказиш муддати**

Қонуннинг 23-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига ва ваколатли органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

*Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 115<sup>13</sup>-моддасига* асосан фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно. *Хўжалик процессуал кодексининг 155<sup>18</sup>-моддасига* мувофиқ ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичида хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Қонуннинг 23-моддаси ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорини тадбиркорлик субъектига ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилиши кераклигини белгилади.

### **13.12. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорининг шакли ва мазмунига нисбатан қўйилган талаблар**

Қонуннинг 23-моддаси бешинчи-қисмида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорининг шакли ва мазмунига нисбатан қўйилган талабларни белгилайди.

Масалан, ушбу қисм ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорининг шаклига нисбатан, ушбу қарор тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда етказилиш иши ифодалайди. Бошқача сўз билан айтганда ушбу қарор зарурий реқвизитларга эга бўлган расмий ҳужжат шаклида расмийлаштирилиши лозим.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, Қонуннинг 23-моддаси қарорда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиши сабаблари ва қонунчиликнинг конкрет нормалари кўрсатилиши лозим.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатишнинг ҳуқуқийлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши лозим.

Шунингдек, Қонуннинг 23-моддаси рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор тадбиркорлик субъекти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ваколатли органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак деб белгилайди.

### **13.13. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш асослари**

Қонуннинг 25-моддасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш ҳолатларини белгилайди. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат куйидаги асосларда бекор қилинади:

тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра бекор қилинса, ваколатли орган томонидан бекор қилинади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда, улар суд томонидан бекор қилинади.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъекти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ваколатли органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Қонуннинг 25-моддаси муҳим нормани назарда тутаяди, унга кўра суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган санадан эътиборан амал қилади.

### **13.14. Тадбиркорлик субъекти томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш**

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

*Мазкур қўлланманинг 14-бобида шикоят қилиш тартиби ҳақида батафсил изоҳ қилинган.*

### **13.15. Тадбиркорлик субъектлари учун ноқулай оқибатлар олиб келувчи қарорлар чиқаргунга қадар бўлган расмий эшитишлар бўйича хориж тажрибаси**

Рухсат бериш тартиб-таомилини амалга ошириш бўйича хориж тажрибасига доир айнан тадбиркорлик субъектларига ноқулай оқибатлар олиб

келувчи қарорлар қисми бўйича Япония тажрибасига эътибор қаратиш керак.

Япониянинг “Маъмурий процедура тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилганидек, тадбиркорлик субъектлари учун ноқулай оқибатлар олиб келувчи қарорлар чиққунга қадар ваколатли орган расмий эшителишларни амалга ошириш бўйича тегишли чоралар кўради. Ушбу эшителишларга мазкур қарор чиқарилиши натижасида манфаатларига таъсир қиладиган тадбиркорлик субъектлари кўриладиган масала ҳақида огоҳлантирган ҳолда таклиф қилинади. Расмий эшителишлар жараёнида ваколатли орган комиссия таркибида тадбиркорлик субъектлари тушунтиришларини тинглайди ёки тадбиркорлик субъекти ушбу тушунтиришларни ёзма шаклда ваколатли органга жўнатиши мумкин. Расмий эшителишлар кўриб чиқиладиган масала моҳиятидан келиб чиқиб очиқ ва ёпик тартибда ўтказилиши мумкин.

Расмий эшителиш тартиб таомилини ўтказгандан кейин ваколатли орган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган тушунтиришлар асосида тегишли ноқулай қарорни чиқариш масаласини ёки агарда тушунтиришлар асосли бўлса, мазкур қарорни чиқармасликни ҳал қиладди.

Япониянинг тажрибасини ўрганиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, расмий эшителишлар ўтказиш тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳисобланади. Расмий эшителиш тартиб таомили тадбиркорлик субъектлари учун вақтини тежайди ва уларга ноқулай оқибатлар юзага келганда ўз тушунтиришларини бевосита билдириш имкониятини яратади.

## **14-БОБ. ТАДБИРОКЛИК СУБЪЕКТИНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ. РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

### **14.1. Тадбиркорлик субъектининг шикоят қилиш ҳуқуқи**

Қонуннинг 20-моддасида тадбиркорлик субъекти ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган.

Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин. Шунингдек, Қонуннинг 25-моддасида ўрнатилганидек суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Бундан ташқари, Қонуннинг 26-моддасида умумий қоида ўрнатилганки, унга кўра рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Шикоят қилиш ҳуқуқи ваколатли орган ёки суднинг қарори, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ни ушбу қарордан норози бўлган тадбиркорлик субъекти талаби бўйича қонунийлигини текширишни амалга оширишни билдиради.

Қонуннинг нормаларига асосан тадбиркорлик субъектлари — юридик ва жисмоний шахслар ваколатли давлат органининг қарори ёки унинг мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ҳам маъмурий тартибда (ушбу тартиб бўйсунув тартибдаги юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга шикоят қилишни билдиради) ҳам суд тартибда (шикоят ишларни судловлигини инобатга олган ҳолда хўжалик судлари орқали амалга оширилади) шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Шуни таъкидлаш лозимки, *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида* белгиланганидек ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганидек, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органлари ва унинг мансабдор шахсларининг тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлиги) устидан суд тартибда шикоят қилиниши кафолатланади.

*“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 50-моддасига* мувофиқ тадбиркорлик субъектлари давлат органлари ва бошқа органларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ўз хоҳишига кўра бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Ваколатли органнинг қарори, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракат(ҳаракатсизлиги) нинг устидан маъмурий ва суд тартибида шикоят қилиш учун асос ваколатли органи ва унинг мансабдор шахслари қонунчилик талабини бузиш эканлигини таъкидлаш лозим. Бундай асосий қонунчилик тадбиркорлик фаолият соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик, айнан Қонун, рухсат бериш тартиб-таомиллари ўтиш тўғрисидаги низомлар ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Фақат ваколатли органларнинг қарор чиқаришида ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этишида бошқа қонун ҳужжатларини бузишлари ҳам шикоят қилишнинг асоси ҳисобланади.

Ваколатли органнинг қарори, шунингдек уларнинг мансабдор шахс суд тартибида шикоят қилишнинг тартиби ҳақида тўхталсак, бундай турдаги ишлар характерига кўра ҳўжалик судига тааллуқли. *Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига* мувофиқ иктисодиёт соҳасида юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яққа тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар ҳўжалик судига тааллуқлидир.

*Хўжалик процессуал кодекси 24-моддасида* ҳўжалик суди давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларни ҳал қилади деб белгиланган. Хўжалик суди ўзининг ваколат доирасига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

Ваколатли органларнинг қарорларини, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар ҳўжалик судлари томонидан умумий қондалар бўйича даъво тартибида кўриб чиқилади.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳўжалик судларига шикоят қилиш давлат божларини тўлашдан озод этилади. *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 330-моддасига* асосан тадбиркорлик субъектлари — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда ҳўжалик судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади.

Агарда тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органнинг қарорини, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракат(ҳаракатсизлик) бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиш натижасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан



асоссиз деб топилган тақдирда, ваколатли орган тадбиркорлик субъекти олдида у кўрган зарар миқдориди жавобгар бўлади, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши эса, унинг тўхтатиб турилиши суд томонидан асоссиз деб топилган пайтдан эътиборан қайта тикланган ҳисобланади. Тадбиркорлик субъекти ваколатли органининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни амал қилишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорини шикоят қилиш тўғрисидаги даъво аризасида бевосита унга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги талабларини ҳам билдириш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ хўжалик суди етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилади.

#### **14.2. Рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қонуннинг 27-моддасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари назарда тутилган.

Мазкур жавобгарлик қонун бузилишига қараб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган бўлиши мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 15-моддасига* мувофиқ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин

Шунингдек, масалан, *Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 165-моддасида* лицензия олинishi ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олинishi шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур *Кодекснинг 176-моддасига* мувофиқ хўжалик юритувчи субъект томонидан почта манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этиш учун жавобгарлик келиб чиқади.

Мазкур Кодекснинг 241<sup>1</sup>-моддасида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда ғайриқонуний аралashiш учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш(205-модда), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш(206-модда), хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш (206<sup>1</sup>-модда), мансаб сохтакорлиги (209-модда), пора олиш(210-модда), пора бериш (211-модда), товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (214-модда), расмий ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни тайёрлаш ва қалбакилаштириш, буларни сотиш ёки фойдаланиш учун (228-модда) ва бошқа қонун бузилишлари учун жавобгарлик белгиланган.

Мазкур қонун бузилишларни содир этиш тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Тегишли қонунбузарликлар содир этилган ҳолатда ваколатли органларнинг мансабдор шахслари ҳам, тадбиркорлик субъектлари ҳам жавобгарликка тортилади.

**Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2012 й., 51-сон, 575-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 8 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомилларига доир муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомилларининг қуйидаги турларига нисбатан татбиқ этилмайди: тадбиркорлик субъектларини, битимларни, ҳуқуқларни ва мол-мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш;

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш;

аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш;

давлат экологик экспертизаси;

давлат сирлари муомаласи.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ружсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ваколатли органлар** — қонун ҳужжатлари билан зиммасига тадбиркорлик субъектларига ружсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш вазифаси юклатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар;

**ружсат беришга доир талаблар ва шартлар** — ружсат этиш хусусиятига эга ҳужжат асосида ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширишда тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилиши шарт бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартлар йиғиндиси;

**ружсат этиш хусусиятига эга ҳужжат** — ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган ва тадбиркорлик субъектига бериладиган, тадбиркорлик фаолияти

соҳасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳамда рухсатнома, келишув, хулоса шаклида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ифодаланадиган қарор;

**тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомили (рухсат бериш тартиб-таомили)** — ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризанинг топширилиши ва қўриб чиқирилиши, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг берилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши, тугатилиши, қайта расмийлаштирилиши ва бекор қилиниши жараёни билан боғлиқ тадбирлар мажмуи.

**4-модда. Бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатларни ва (ёки) фаолиятни белгилаш**

Бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш зарур бўлган ҳаракатлар ва (ёки) фаолият жумласига тадбиркорлик субъектларининг бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган, тартибга солиниши рухсат бериш тартиб-таомилларидан ташқари бошқа усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмайдиган ҳаракатлари ва (ёки) фаолияти киритилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари қонун ҳужжатларида белгиланади. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланади.

**5-модда. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари**

Рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари қуйидагилардир: тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши;

рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги;

рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошқоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги;

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги.

**6-модда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилини-

шини, жамоат хавфсизлигини ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши керак.

**7-модда. Рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектлари ҳаракатларни бажарганда ва (ёки) муайян фаолиятни амалга оширганда улар учун товарлар (ишлар, хизматлар) бозоридаги рақобатни чеклайдиган имтиёзлар ва афзалликлар белгиланмаслиги керак.

**8-модда. Рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектлари учун ошкора, очик ва тушунарли бўлиши керак.

**9-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг “бир дарча” орқали берилиши**

Ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олади.

**10-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талаблар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда барча ваколатли органлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан ягонадир.

**11-модда. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги**

Тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектларининг фойдасига талқин қилинади.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ваколатли органларнинг рухсат бериш тартиб-таомилларига доир фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг реестрларини юритиш тартибини белгилайди;

рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Ма­ж­ма­си қонун ҳуж­жат­ла­ри­га му­во­фиқ бош­қа ва­ко­лат­лар­ни ҳам амал­га оши­ри­ши мум­кин.

**13-мод­да. Ва­ко­лат­ли ор­ган­лар­нинг рух­сат бе­риш тар­тиб-­тао­мил­ла­ри­га доир ва­ко­лат­ла­ри**

Ва­ко­лат­ли ор­ган­лар:

тад­бир­кор­лик субъ­ект­ла­рининг рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­ни бе­риш, амал қи­лиш муд­да­ти­ни узай­ти­риш, тўх­та­тиб ту­риш, қай­та тик­лаш, туга­тиш, қай­та рас­ми­я­лаш­ти­риш ва бе­кор қи­лиш тўғ­ри­си­да­ги ари­за­ла­ри­ни қа­бул қи­ла­ди ҳам­да кў­риб чи­қа­ди;

уш­бу Қонун та­лаб­ла­ри­га ва рух­сат бе­риш тар­тиб-­тао­мил­ла­ри­дан ў­тиш тар­ти­би тўғ­ри­си­да­ги ни­зом­лар­га му­во­фиқ бел­ги­лан­ган муд­дат­лар­да рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­ни бе­ра­ди ёки уни бе­ри­шни асо­сли ра­виш­да рад эта­ди;

бе­рил­ган рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­лар­нинг ре­ес­три­ни юри­та­ди ва уни ўз рас­ми­й веб-­сайт­ла­ри­да жой­лаш­ти­ра­ди;

рух­сат бе­риш тар­тиб-­тао­мил­ла­ри ма­са­ла­ла­ри юза­си­дан тад­бир­кор­лик субъ­ект­ла­рининг оғ­за­ки ёки ёзма сў­ро­ви­га кў­ра бе­пул тў­лик ах­борот ва ма­ла­ка­ли ма­сла­хат­лар (тушун­ти­риш­лар) бе­ра­ди;

тад­бир­кор­лик субъ­ект­ла­ри рух­сат бе­риш тар­тиб-­тао­мил­ла­ри­дан ў­тиш тар­ти­би тўғ­ри­си­да­ги ни­зом­лар билан мо­не­лик­сиз та­ни­шиб чи­қи­ши ва рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­лар­ни олиш учун зарур бўл­ган ҳуж­жат­лар мо­не­лик­сиз тақ­дим эти­ли­ши учун шарт-­ша­ро­ит­лар яра­та­ди;

рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­ни олиш учун зарур бўл­ган ҳуж­жат­лар­ни тайёр­лаш ва тўл­ди­риш­да тад­бир­кор­лик субъ­ект­ла­ри­га ёр­дам бе­ра­ди;

тад­бир­кор­лик субъ­ект­ла­ри­ни ва улар­нинг ари­за­ла­ри­ни бутун иш ку­ни да­во­ми­да қа­бул қи­лиш им­ко­ния­ти­ни бе­ра­ди­ган иш вақ­ти ре­жи­ми­ни таъ­мин­лай­ди;

рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­лар­ни олиш учун зарур бўл­ган маъ­лу­мот­лар­ни ўз рас­ми­й веб-­сайт­ла­ри­да жой­лаш­ти­ра­ди;

рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­лар­ни “бир дар­ча” ор­қа­ли бе­ра­ди;

уш­бу Қонун­нинг 22, 23 ва 25-­мо­д­да­ла­ри­да на­зар­да ту­тил­ган ҳол­лар­да, рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­лар­нинг амал қи­ли­ши­ни тўх­та­тиб ту­риш, туга­тиш ҳам­да улар­ни бе­кор қи­лиш тўғ­ри­си­да қарор­лар қа­бул қи­ла­ди ва (ёки) ма­з­кур ма­са­ла­ла­ри­ни суд тар­ти­би­да кў­риб чи­қиш та­шаб­бу­си билан чи­қа­ди.

Ва­ко­лат­ли ор­ган­лар қонун ҳуж­жат­ла­ри­га му­во­фиқ бош­қа ва­ко­лат­лар­ни ҳам амал­га оши­ри­ши мум­кин.

**14-мод­да. Рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­ни олиш учун зарур бўл­ган ҳуж­жат­лар**

Рух­сат этиш ху­су­сия­ти­га э­га ҳуж­жат­ни олиш учун тад­бир­кор­лик субъ­екти те­гиш­ли ва­ко­лат­ли ор­ган­га қуй­и­да­ги­лар­ни тақ­дим эта­ди:

юри­дик шахс бўл­ган тад­бир­кор­лик субъ­ект­нинг но­ми, жой­лаш­ган ери (поч­та ман­зи­ли) ва таш­ки­лий-­ҳу­қуқ­ий ша­кли; жи­с­мо­ний шахс бўл­ган тад­бир­кор­лик субъ­екти учун — фа­ми­ли­я­си, ис­ми, ота­си­нинг ис­ми,

фукаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, тадбиркорлик субъекти бажармоқчи ёки амалга оширмоқчи бўлган ҳаракат ва (ёки) муайян фаолият кўрсатилган ҳолда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси; жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти учун — яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳужжатлар. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар сифатида фақат тадбиркорлик субъектининг ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини тасдиқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек мавжуд бўлмаслиги ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳужжатлар белгиланиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, ваколатли орган аксини исботлагунига қадар, барча ҳолларда тўғри ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу моддада ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тегишли ваколатли органга тақдим этилган ҳужжатлар рўйхат бўйича қабул қилиниб, рўйхат мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда, дарҳол тадбиркорлик субъектига берилади (юборилади).

#### **15-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди.

Рухсат этиш хусусиятига эга тегишли ҳужжат ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш хусусияти ва шартларини ҳисобга олган ҳолда чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда рухсат

этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларга нисбатан амал қилиш муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагач, у тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра узайтирилиши мумкин. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақидаги ариза ваколатли органга мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар топширилиши керак. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, рухсат беришга доир талаблар ва шартларга тегишли равишда риоя этган тадбиркорлик субъекти мазкур ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

### **16-модда. Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар**

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг ва уни бериш зиммасига юклатилган ваколатли органнинг номи;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш мақсади;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тугал рўйхати;

тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тартиби ва муддатлари, шу жумладан, агар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш танлов (тендер) асосида амалга оширилаётган бўлса, мазкур ҳужжатни бериш учун танлов (тендер) ўтказиш тартиби;

рухсат беришга доир талаблар ва шартлар;

рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатларни “бир дарча” орқали беришда ваколатли органларнинг бошқа ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш, қайта тиклаш, тугатиш, мазкур ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бекор қилиш тартиби;

агар тадбиркорлик субъекти томонидан ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш имкониятини аниқлаш учун зарур бўлса, рухсат бериш тартиб-таомили доирасида ваколатли орган ёки жалб қилинган учинчи шахс томонидан ўтказиладиган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишларнинг ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг тугал рўйхати;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг шакли;



рухсат этиш хусусиятига эга тегишли хужжат чекланмаган муддатга берилиши мумкин бўлмаган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатнинг амал қилиш муддати.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда ушбу Қонунга мувофиқ бошқа нормалар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг содалаштирилган тартибини белгилаши мумкин.

**17-модда. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим. Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим**

Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда ва миқдорларда ундирилади. Йиғим миқдори ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун қилган харажатлари доирасида белгиланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда ва миқдорларда ундирилади.

Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиққанлик, хужжатни берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғим суммалари ваколатли органларнинг ҳисобварағига ўтказилади.

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисида тақдим этган аризасидан воз кечган тақдирда, тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

**18-модда. Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш муддати**

Тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгилаб қўйилади ва тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур хужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан рухсат этиш хусусиятига эга зарур хужжатлар “бир дарча” орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим ҳаракатлар ва (ёки) муайян фаолият учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериш тўғрисидаги аризасини ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш, уни

бериш ёки беришни рад этиш муддатларини ўттиз иш кунидан ортиқ қилиб белгилаши мумкин.

Ваколатли орган тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши (юбориши) ёки бундай ҳужжатни бериш рад этилганлиги тўғрисида уни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермас ёки уни беришни рад этмас, тадбиркорлик субъекти ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддат ўтганидан кейин, бажарилиши ва (ёки) амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмакчи бўлган ҳаракатни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолда ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши шарт. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олингунига қадар, тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати ва тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга йўлланган хабарнома рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга тенглаштирилади ҳамда шундай ҳаракатни бажариш ва (ёки) шундай фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади.

**19-модда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартиби**

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда тадбиркорлик субъектлари ушбу Қонун 14-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этган пайтдан эътиборан улар томонидан ҳаракатлар бажарилганлигининг ва (ёки) муайян фаолият амалга оширилганлигининг хабардор қилиш тартиби назарда тутилиши мумкин. Бундай ҳолда тақдим этилган ҳужжатларнинг улар қабул қилиб олинган сана ҳақида белги қўйилган рўйхати рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга тенглаштирилади.

**20-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

тадбиркорлик субъектининг рухсат беришга доир талаблар ва шартларга мувофиқ эмаслиги;

тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга мувофиқ ўтказилиши шарт бўлган ўрганишлар, тадқиқотлар, текширишлар ёки бошқа илмий ва техник баҳолашларнинг яқунлари бўйича асослантирилган салбий хулоса олинганлиги.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни бошқа асосларга кўра, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома тадбиркорлик субъектига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ ва тадбиркорлик субъекти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, тақроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади). Тадбиркорлик субъекти рад этиш сабабларини бартараф этиб ва ҳужжатларни тақроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилиши учун асос бўлган сабабларни белгиланган муддатда бартараф этган тақдирда, ҳужжатларни тақроран кўриб чиқиш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш ёки уни беришни рад этиш тадбиркорлик субъектининг рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги аризаси ва рад этиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Тадбиркорлик субъектининг аризаси тақроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Ҳужжатларни тақроран кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ариза берувчига илгари ёзма шаклда баён қилинмаган рад этиш сабабларини ваколатли орган томонидан келтиришга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин тадбиркорлик субъекти томонидан топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади ва ваколатли орган томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

Тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш рад этилганлиги, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## **21-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда тадбиркорлик субъектининг аризасига кўра унинг дубликати берилади.

Ваколатли орган ариза, шунингдек ҳужжат яроқсиз ҳолга келган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликати берилганлиги учун тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолда йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини бериши (юбориши) шарт.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг дубликатини берганлик учун тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун, дубликатни бериш ҳақидаги ариза топширилган санадаги ҳолатга кўра, тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилиши мумкин. Йиғим суммаси ваколатли органлар ҳисобварағига ўтказилади.

## **22-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши куйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

рухсат беришга доир талаблар ва шартлар тадбиркорлик субъекти томонидан бузилганлиги аниқланганда;

тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органнинг тадбиркорлик субъекти зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарори бажарилмаганда.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш ҳоллари бундан мустасно.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг нормалари аниқ кўрсатилган ҳолда, ёзма шаклда етказилади.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли орган ёки суд рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф қилиниши муддатини белгилаши шарт. Рухсат

этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф қилиниши муддати тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар тадбиркорлик субъекти томонидан бартараф этилган тақдирда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган ёки суд кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқнома олинган кундан эътиборан беш иш кунини ичида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш суд томонидан асосиз деб топилган тақдирда, ваколатли орган тадбиркорлик субъекти олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши эса, унинг тўхтатиб турилиши суд томонидан асосиз деб топилган пайтдан эътиборан қайта тикланган ҳисобланади.

### **23-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этганда;

юрidik шахс бўлган тадбиркорлик субъекти тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъекти вафот этганда, унинг муомалага лаёқатлилиги белгиланган тартибда чекланганда, у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

тадбиркорлик субъекти рухсат беришга доир талаблар ва шартларни бир йил давомида мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ маротаба) ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда, агар мазкур коидабузарликлар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зиён ҳамда атроф-муҳитга зарар етказилишига олиб келган бўлса. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг

амал қилиши тугатилишига асос бўладиган кўпол қоидабузарликларнинг рўйхати рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилади;

тадбиркорлик субъекти рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд томонидан белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги аниқланганда;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

бажарилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган бир марталик ҳаракат бажарилганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳоллар юзага келиши билан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиши ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳолда ваколатли орган томонидан, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда эса, суд томонидан тугатилади.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига ва ваколатли органга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда етказилади.

Ваколатли органнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъектига ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма шаклда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш сабаблари ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда етказилади. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор тадбиркорлик субъекти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ваколатли органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

#### **24-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш**

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти ёхуд унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг унга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида берилган гувоҳномада кўрсатилган фамилияси, исми, отасининг исми ёки фаолият кўрсатадиган жойи ўзгарган тақдирда, тадбиркорлик субъекти қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни ичида ваколатли

органга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан ваколатли органга бевосита, почта алоқа воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилгунига қадар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган тадбиркорлик субъекти ёки унинг ҳуқуқий вориси (меросхўр) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисида берилган, қабул қилиб олинган санаси ҳақида ваколатли органнинг белгиси кўйилган ариза асосида унда кўрсатилган ҳаракатни ва (ёки) фаолиятни бажаради ёки амалга оширади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қайта расмийлаштирилганда ваколатли орган берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрига тегишли ўзгартишлар киритади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш ва бериш рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштириш тўғрисидаги ариза тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ваколатли орган томонидан қабул қилиб олинган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларда белгиланган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни қайта расмийлаштирилганлик учун тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризаси ваколатли орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза топширилган санадаги ҳолатга кўра, тўланадиган сумманинг ярми миқдориди йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ваколатли органлар ҳисобварағига ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл кўйилмайди.

Бажарилиши ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар олиш лозим бўлган ҳаракатни ва (ёки) муайян фаолиятни ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари талабларини бузган ҳолда бажариш ва амалга ошириш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

#### **25-модда. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш**

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат куйидаги асосларда бекор қилинади: тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда ваколатли орган томонидан, ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолда эса, суд томонидан бекор қилинади.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори тадбиркорлик субъекти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ваколатли органга қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бекор қилинганлиги тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилган санадан эътиборан амал қилади.

Суднинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

#### **26-модда. Низоларни ҳал этиш**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **27-модда. Рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **28-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **29-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 20 декабрь,  
ЎРҚ–341-сон



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида”ги қарори**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,  
2013 й., 33-сон, 442-модда)*

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

\*1-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қонун ҳужжатларига мувофиқ рухсат бериш тартиб-таомилларининг қонунда назарда тутилмаган янги турларини жорий этиш тақиқланиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 15 август,  
225-сон

**Ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга  
ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига — юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартибини белгилайди.

2. Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестри (кейинги ўринларда реестр деб аталади) ўзида рухсат этиш хусусиятига эга берилган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган ҳужжатлар, шунингдек амал қилиши тўхтатиб турилган, тикланган ёки тўхтатилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлган барчанинг танишиши учун очиқ бўлган давлат реестрини ифодалайди.

3. Ваколатли органлар реестрни юритиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни амалга оширишда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларга, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

4. Реестр ҳатти-ҳаракатни содир этиш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган тадбиркорлик субъектларининг давлат ҳисобини юритишни таъминлаш ва улар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мақсадида юритилади.

**II. Реестрни юритиш тартиби ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

5. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар реестрга тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат бериш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда киритилади. Реестрдаги барча қайдларга сана қўйилади ҳамда улар имзо ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги асосий маълумотлар (тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларнинг номи, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони, тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг паспортига оид маълумотлар, почта манзили, телефони);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган сана ва уларнинг тартиб рақами;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун);

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштиришнинг, амал қилиш муддатини узайтиришнинг асоси ва санаси (амал қилишининг чекланган муддатига бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар учун), амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиш учун асос ва сана;

рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бекор қилишнинг асоси ва санаси; рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг дубликатларини беришнинг асоси ва санаси;

рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган бошқа маълумотлар.

7. Реестр қоғозда ва электрон манбаларда юритилади. Қоғоздаги ва электрон манбалардаги ёзувлар ўртасида номувофиклик мавжуд бўлган тақдирда қоғоз манбалардаги ёзувлар устувор аҳамиятга эга бўлади.

Қоғоз манбадаги реестр ваколатли орган томонидан бир нусхада юритилади.

Реестр журнали ип ўтказиб тикилади, тартиб рақами қўйилади ва унинг орқа томонида саҳифалар сони, журнални юритиш бошланган санаси (йил, ой, кун) кўрсатилади, ваколатли органнинг муҳри босилади ва раҳбарининг имзоси қўйилади.

Реестр ваколатли органларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган реестр маълумотлари ушбу маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларга мувофик бўлмаган тақдирда ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган маълумотлар уларга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ишончли ҳисобланади.

8. Ваколатли органлар рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш, тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинган кунда реестрга тегишли қайдларни киритади.

9. Реестрдаги мавжуд маълумотлардан умумий равишда фойдаланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар берилган аниқ тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли реестрдан кўчирма тарзида берилади.

Реестрдаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш муддати ваколатли орган томонидан тегишли сўров олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортик бўлиши мумкин эмас.

### **III. Яқунловчи қонда**

10. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофик жавоб берадилар.

## ФЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси;
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси;
6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
7. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси;
8. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
9. “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
10. “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
11. “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
12. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни
13. “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
14. “Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
15. “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
16. “Метрология тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
17. “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
18. “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
19. “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
20. “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
21. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
22. “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
23. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
24. “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
25. “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
26. “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;
27. “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сонли қарори билан тасдиқланган Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати;

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4453-сон Фармони;

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4354-сон Фармони;

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ–1871-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси фармойиши асосида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган экспорт-импорти лицензия бўйича амалга ошириладиган махсус товарларнинг рўйхати;

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги “Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида”ги ПФ–1652-сон Фармони;

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1604-сон қарори;

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 октябрдаги “Акциз солиғига тортиладиган айрим турдаги товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит йўли билан олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–703-сон қарори;

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори билан тасдиқланган Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом;

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом;

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги ПҚ–605-сон қарори билан тасдиқланган Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қоидалари;

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 298-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчини қайта ташкил этишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом;

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкий ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисидаги низом;

41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги 171-сон қарори билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом;

42. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 октябрдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва рухсат бериш тартиботларини амалга оширишда давлат бошқарув функцияларини қисқартиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 283-сон қарори;

43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати;

44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари;

45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати;

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги “Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 62-сон қарори;

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 355-сон қарори;

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом ва Хайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисидаги низом;

50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Саноат мақсадидаги портловчи материалларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низом;

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом;

52. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом;

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати;

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 491-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низом ва Давлат экологик экспертизаси амалга ошириладиган фаолият турлари рўйхати.

**Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари  
бўйича қўлланма**

Ушбу китобга ўз хиссасини қўшган муаллифлар:

Саидахметова Н. З.  
Шахназарян Р. Л.  
Рахмонов Б. А.  
Исмаилов О. М.

Босишга 15.05.2014 рухсат этилди.  
Бичими: 60 × 84 1/16. Босма табоғи: 8,4.  
Адади 1200.

Нашриёт уйи МЧЖ «BAKTRIA PRESS»  
Лицензия АИ № 203 28.08.2011 й., АИ № 229 16.11.2012 й.  
100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84

Mega Basim босмаҳонасида чоп этилди:  
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.  
[www.mega.com.tr](http://www.mega.com.tr)

ISBN 978-9943-4280-6-5